

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚОСИМДЖОН РАХМОНОВ

МОҲИГУЛ АБДУРАҲИМОВА ОЙБЕК ҚИЗИ

**ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2024

УДК: 332.334:528.9:004(575.111)(043.3)

**Тузувчи муаллифлар: Қосимджон Рахмонов
Мохигул Абдурахимова Ойбек қизи**

Такризчилар:

**И.Мусаев
Ш.Нарбаев**

I БОБ. ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

§ 1.1 Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда ер ахборот тизимини ривожлантириш хусусиятлари

Бугунги кунда бутун дунё мамлакатлари ХХІ асрда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиш учун бошқа мамлакатлар билан иқтисодий рақобат майдонида муносиб қатнашиш мақсадида, ўз иқтисодий тузилиши, моддий ва маънавий бойликлари, умуман олганда барча имкониятларини ахборотлаштириш жараёнига сафарбар этмоқдалар. ХХІ аср бошларидан ахборотлаштириш асри ибораси кенг қўлланила бошланди. Ахборотлаштириш тўфайли инсониятни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, кундалик фаолияти, билимлар ва маънавий дунёси жаҳон цивилизацияси ишлаб чиққан тажриба асосида катта аҳамият касб этиб бормоқда. Ахборот технологиялари нафақат фан-техника ҳодисаси сифатида, балки иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Хусусан, ерга оид ахборотларни истеъмолчиларга етказишда самарали тизимни йўлга қўйишнинг асосий омилларини ҳисобга олган ҳолда, республикамиздаги ер ва ер ресурслари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бош манбаа ҳисобланади [[1](#), [2](#), [3](#), [4](#), [5](#), [6](#)].

Илм-фан ва технологияларнинг ривожланиши ҳар соҳада бўлгани каби геоинформацион тизимлар соҳасида ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Ерга оид ахборотлар тизими ҳақида сўз кетар экан, “ахборот тизими” тушунчасига қисқача таъриф келтириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасига биноан, ахборот тизими— бу ахборотни бир жойда тўплаш, белгиланган тартибда сақлаш, излаш, унга ишлов бериш, шунингдек, ундан фойдаланиш имконини яратадиган, ташкилий ва техник жиҳатдан маълум бир тартибга солинган жами ахборот ресурслари, технологиялари ва унга алоқадор воситалари тўплами ҳисобланади. Бугунги кунда ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш ва унга ишлов бериш ҳар бир соҳада рақамли тарзда тақдим этишни талаб

килмоқда [7]. Мамлакатимизда 2020 йил “Илм маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” дея номланиши юртимиз тараққиёти учун қўйилган собит қадам бўлиб келмоқда [8]. Бу борада олиб борилаётган ислохотлар жамиятдаги ҳар бир бўғин учун кўплаб имкониятлар эшигини очмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” [9] ги фармонида “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш масаласи ҳам киритилган бўлиб, ўтган давр мобайнида кўплаб соҳалар қаторида ер ахборот тизимида ҳам рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича бир қатор лойиҳалар ва таклифлар илгари суриб келинмоқда. Сўнгги ўн йил ичида ер ахборот тизимларига бўлган қизиқиш жуда катта аҳамият касб этди. Ер тузувчилар, географлар, муҳандислар, архитекторлар, экологлар ва бошқа кўплаб соҳа мутахассислари ахборот тизимларини қамраб оладиган технологиялар ва дастурлар хусусида ишлар олиб бора бошлади.

Шу барча чора-тадбирлар билан, ер ахборот тизимини шакллантириш ва ахборотларни тегишли ташкилот ва давлат органларига тақдим этишда эффективликни ошириш мумкин. Ер ахбороти тизимини шакллантириш соҳадаги мураккаб ва кўп вақт ва меҳнат талаб қиладиган жараён ҳисобланиб, у мамлакатимизда ер участкалари сонини кўплиги ва улардан фойдаланиш мақсадини турли-туманлиги билан боғлиқдир. Ахборот оқимини кенг доирада маълум бир тизимга солиш, мавжуд маълумотларни ишончли тарзда сақлаш, аниқлаш, янгилаб бориш, излаш ва манфаатдор фойдаланувчиларга тезкор усулларда узатиш-бу жараёнларни рақамлаштиришни, замон талабларига жавоб берадиган технологияларига асосланган интеграцион тизимни шакллантиришни талаб қилади. Бу каби жарайинни ташкил этишнинг асосий вазифаси ахборот тизимларини яратиш, зарур дастурий таъминотни тайёрлаш

ва ундан фойдаланишни самарали бошқаришдан иборат. Ер ахборот тизими умумий ахборот тизимининг маълум бир бўлаги ёки бошқа кўринишидир. Ер ахборот тизими республика, вилоят, туман ер фондлари ҳамда уларнинг таркибидаги ер участкаларининг тавсифлари кўрсаткичларини ўз ичига олган муайян ташкилий-техник тузилиш ҳисобланади. Бу эса тизимда бир бутун ҳамда уларнинг таркибий қисмлари билан интеграцион жараён борлигини, яъни мамлакатнинг ер фонди яхлит бир бутун тизим, республика, вилоят ер фондлари ёки ер тоифалари таркибий қисми эканлигини эътироф этади.

“Ер ахборот тизими деганда мамлакат ер ресурсларининг ҳолати, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳақидаги маълумотлар тизимини тушуниш керак” [10, 16-б.]. Фақат маълум бир тамойилга асосланган ёндашишгина жамият фаолиятининг турли жабҳаларида ва иқтисодий соҳаларида ернинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини тўлиқ, асосланган, ишончли ва объектив тарзда ўрганишга замин яратади.

Миллий ер ахборот тизимининг таркибий қисми маъмурий туманларига асосланган маъмурий-худудий бирликлар тизимлари ҳисобланади. Ахборот тизими ер фонди таркиби ва ундан фойдаланиш жараёнларида тегишли соҳалар бўйича интеграция жараёнларини, шу билан бирга, тегишли ахборотларни манфаатдор ташкилотларга етказиш ва янгилашиб бориш тамойилига асосланган қайта ишлаш жараёнларини ўз ичига олади. Ер ахборотининг услубий асоси мавжуд давлат ер фондининг ҳолати, ундан тизимлаштирилган тартибда фойдаланиш ва муҳофаза қилиш жараёнларининг ахборот тавсифларини қайта ишлаш, тадқиқ қилиш, таҳлил қилиш, тайёрлаш ва тартибга солиш, шунингдек, бу жараёнларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини акс эттириш усулларини янада оптималлаштиришдан иборат.

Ер ахборот тизимининг ишлаш тамойиллари ва шартлари бир қатор ташкилий-техник хусусиятлар билан тавсифланади. Жумладан, фойдаланилаётган тизим ва унинг тузилишини тавсифловчи тегишли кўрсаткичлар жамланмасидан иборат. Ушбу тизимнинг энг кичик бирлиги

сифатида ер участкаси ва унинг таркибидаги ер контурларига доир маълумотлар ҳисобланади. Ер ахборот тизими асосида, ер ва ер ресурсларидан фойдаланиш мақсадини аниқлаштирувчи мамлакатнинг ягона ер фонди туради. Ер ахборотининг энг муҳим ўзига хос хусусияти-ердан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш билан, айниқса, қишлоқ хўжалиги билан тўғридан-тўғри боғланишда эканлиги ҳисобланади.

Ер ахборот тизими маълумотлари фазовий муносабатлардан фойдаланилган ҳолда маъмурий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ҳамда бу орқали тўлиқ ахборот муҳитини таъминлаш имконини беради. Ер ахборот тизимини шакллантириш натижасида тегишли ташкилотлар учун маълумотларни интеграциялаш жараёни ҳам бир қанча афзалликларни ўзида мужассам этади.

Ер ахборот тизимидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳар қандай тегишли ташкилотларни бошқариш фаолияти самарадорлигини оширади. Ҳозирги кунда замонавий технологик воситалардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда бошқарув тизимини ташкил этиш ҳар қачонгидан кўра катта аҳамият касб этиб келмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиётга ўтиш ва бошқарув тизимини тўғри ташкил этиш нафақат, замонавий ускуналар ва малакали кадрлар жамоасига боғлиқ, балки ташкилот манфаатларини ҳисобга олган ҳолда дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ҳам катта рол ўйнайди.

Рақамли иқтисодиётга ўтишда ҳар бир тармоқда маълум бир электрон дастурдан фойдаланилар экан, албатта ушбу дастур тури, ҳал қилинадиган вазибалари ва ечимлари маълум бир замонавий технология ёки веб дастурлар ёрдамида маълумотлардаги ўзгариш жараёнини бевосита онлайн кузатиш имкониятидан фойдаланиш оммалашиб бормоқда. Ер ахборот тизими маълумотларини шакллантиришда ҳам қуйидаги схемани мисол қилиш мумкин (1.1-расм).



1.1-расм. Рақамли иқтисодиёт ва ер ахборот тизими интеграцияси


Бугунги кунда бутун дунёда бу каби бошқарув моделидан нафақат манфаатдор давлат ташкилотлари, балки ҳар қандай корхона ишлаб чиқариш мақсадларини амалга оширишда фойдаланиб келмоқда. Чунки доимийликни таъминлаш ҳар бир ишлаб чиқариш объектлари учун ер ресурслари ва бошқа ахборотлар оқимини бевосита кузатиб бориш муҳим омил ҳисобланади. Бундан ташқари ер ахборот тизимига оид веб иловалар мониторингини амалга оширишда муносиб ечим бўла олади.

Ер ҳақидаги ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимларидан фарқи уларнинг объекти - ернинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Ердаги ахборот тизимларининг деярли барча таркибий қисмлари (маълумотлар тизими, маълумотларни сақлаш жараёнлари ва бошқалар) чуқур илмий қўллаб-қувватлашни талаб қилади. Янги технологиялар ютуқлари ер кадастри

функциялари ва мониторингини такомиллаштиришга имкон бермоқда, масалан, рақамлаштирилган ер кадастри тизимини яратиш учун ГАТ технологиясидан фойдаланиш имкониятларини бермоқда. Аммо фойдаланиш жараёнида янги дастурий ва техник воситалар ёрдамида ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш соҳасида анъанавий равишда ташкил этилган усуллардан фойдаланиш сабабли механик узатиш жараёни самарасиз бўлиб қолади. Шунинг учун уларни янги техник ва технологик имкониятлар асосида қайта қуриш керак. Ерга оид маълумотлар тизими (ЕАТ) бу- дастлаб мулкка эгаллик қилиш ва чегара ёзувларини бошқариш учун махсус ишлаб чиқилган ГАТ тизимлари учун қўлланилган ном [11, 48-б.]. Ер тўғрисидаги ахборот тизими бу - ҳуқуқий, маъмурий ва маълумотлар тизимидан иборат бўлган иқтисодий қарорларни қабул қилиш ва режалаштириш ва ривожлантириш учун ёрдам берадиган белгиланган ҳудуд учун ерга оид фазовий ҳавола қилинган маълумотлар жараёни ва техникани ўз ичига олган ушбу маълумотларни мунтазам равишда йиғиш, янгилаш, қайта ишлаш ва тарқатиш тизимидир [12, 120-б.]. ЕАТнинг таърифларидан бири геоинформатика бўйича луғатда келтирилган бўлиб, унга кўра ер ахборот тизими бу - ер ресурслари ва ер кадастр ихтисослашувининг географик ахборот тизими [13, 58-б.].


Амалий масалаларни ечишда кўп ҳолларда муаллифлар ЕАТ ва ГАТ тушунчалари ўртасида тенг белги қўйишади. Масалан, ГАТ бир қатор манбаларда географик ахборот тизими, бошқаларда - ер тўғрисидаги ахборот тизими дейилади. Шунинг учун ГАТ тушунчасини ва Давлат ер кадастрида ишлатиладиган ЕАТ тушунчасини ажратиш керак. Ахборот тизими бу - ташкилий тартибда ташкил этилган ҳужжатлар тўплами ва ахборот жараёнларини амалга оширувчи ахборот эса технологиядир [14, 81-б.]. Ер тўғрисидаги ахборот тизими тушунчаси кенг ва тор маънода талқин қилиниши мумкин. Кенг маънода, ЕАТ бу - ерни бошқариш бўйича ахборот жараёнларини турли манбалар, ҳужжатлар ва ер ахборот технологияларидан ташкил этилган, буюртма қилинган маълумотлар мажмуасидир. Олиб

борилган тадбирлар натижасига кўра қуйидаги расмда ЕАТни шакллантириш йўналишлари аниқланди (1.2-расм).



1.2-расм. Ер ахборот тизимини шакллантириш йўналишлари

Ер ахборот тизими-бу ер ресурслари ва географик ахборот тизими таркибидаги йўналишнинг махсус қисми бўлиб, унинг асосини Давлат ер кадастрининг таркибий қисмларида белгиланган тартибда объектларни рўйхатга олиш, ҳисобга олиш ва баҳолаш ишларини амалга оширувчи ер участкалари ва маъмурий-ҳудудий бирликлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига камраб олади. ЕАТ ер ресурслари бўйича фазовий маълумотларни шакллантиришнинг технологик ва техник жиҳатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.



1.3-расм. ЕАТ нинг тор маънодаги талқини

Давлат ер кадастрининг рақамлаштирилган тизими ер кадастр ахборот тизимининг бир қисмидир ва ахборот йиғиш, сақлаш, янгилаш ва қайта ишлашни таъминлайдиган компьютер ва бошқа информатиканинг техник воситалари асосида ишлайдиган комплексдир. Ер кадастри ва ер мониторингини юритиш асосида шакллантириладиган ЕАТ мазкур диссертация мавзуси доирасида чекланган. Замонавий ер ахборот тизимининг асосий мақсад ва вазифаси ҳар қандай даражада ерни бошқариш учун ахборотларни керакли даражада батафсил маълумотга эга бўлган ишончли ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини таъминлашдир. ЕАТ функцияларини оптималлаштириш унга тегишли дастурий, техник, тартибга солувчи, ташкилий воситаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ёрдамида амалга оширилади. Ушбу воситалар дастурий таъминот тизимлари, компьютер технологиялари, услубий кўрсатмалар, қоидалар, низомлар, схемалар ва уларнинг тавсифларини ўз ичига олади.

ЕАТга оид ахборотларга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

техник қўллаб-қувватлаш (техник воситалар тўплами - процессорлар, ташқи қурилмалар ва бошқалар);

дастурий ва технологик қўллаб-қувватлаш (маълумотларни сақлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш функцияларини таъминлайдиган усул ва воситалар).

Қуйидаги расмда ер ахборот тизимини яратишга оид тамойиллар акс эттирилган (1.4-расм).



1.4-расм. ЕАТни яратишни асосий тамойиллар таркибий тузилиши

ЕАТ маълумотлар тизимларини қуришда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш керак:

турли хил ахборот тизимларининг тезкор ўзаро алоқаси имконияти меъёрий-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги ва маълумотлар алмашинуви форматларини ўрнатиш;

маълумотларнинг долзарблиги (маълум вақт ичида маълумотлар тизимларини янгилаш);

маълумотларнинг ишончилиги (ахборот йиғиш тизими ва маълумотлар банклари ҳолатини мониторинг қилиш тизими томонидан таъминланади);

маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш, маълумотлар банкларини рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш (маълумотлар банкларига кириш тизими томонидан тақдим этилади);

маълумотларнинг мавжудлиги (ривожланган телекоммуникация тармоғи томонидан тақдим этилади).



1.5-расм. Ер ахборот тизимининг ташкилий тузилмаси

1.5-расмдан кўринадики, ЕАТнинг тавсия этилган ташкилий тузилишидан келиб чиқиб, ушбу жараёни тавсифловчи бешта блок-схема шаклида қуйидагича ифодалаш мумкин:

1 бўлим - ЕАТ инфратузилмаси. Блокда тизимнинг ишлаш жараёнини моддий, технологик, техник, кадрлар билан таъминлаш шакллантирилди ва ЕАТ ишлашининг турли усуллари ва техник воситалари таҳлил қилинди.

2 бўлим - ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, ўзгартириш ва сақлаш жараёнларини таъминлайди.

3 бўлим – ер мулк комплекси объектлари динамикаси (талаб ва таклиф) инобатга олиниб, ер тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишнинг кенг камровли характеристикасини олишга имкон берадиган ахборот бозори

таҳлили ўтказилади. Бўлимда ахборотдан фойдаланиш кўлами ва нисбати, ахборот бозоридаги ривожланиш босқичлари, ер кадастри ва бошқа ахборотларнинг, шунингдек, ер участкалари ва бошқа кўчмас мулкларнинг қиймат баҳоси ҳолати ва унга доир маълумотлар динамикаси акс эттирилган.

4 бўлим - ЕАТ (ер кадастр маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, тақдим этиш ва улардан фойдаланиш) самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек тизим элементларини созлаш амалга оширилади.

5 бўлим - ер кадастри маълумотларини истеъмолчилар билан ўзаро таъсирини таҳлил қилади. Ушбу блокда операциялар бирламчи маълумотлар асосида яратилган иккиламчи ахборот ресурслари, манфаатдор фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш режимлари ва маълумот алмашиш тартиби (маълумот алмашиш ва тақдим этиш жараёнининг ҳажми, тузилиши, динамикаси ва сифати билан амалга оширилади) ташкил этилган.

ЕАТ билан ўзаро алоқада бўлганда, ахборот фойдаланувчилари уни тақдим этишнинг белгиланган режимига мувофиқ маълумот олишади. Фойдаланувчилар маълумотлар банкени шакллантиришда маълумот бериш (ёки уни бошқа маълумотларга алмаштириш) орқали иштирок этишлари мумкин. Иккинчи ҳолда, фойдаланувчиларга маълумотлардан фойдаланишнинг махсус (имтиёзли) режими тақдим этилади.

Оддий ишлайдиган ЕАТни яратиш учун зарур шартлар қуйидагилардан таркиб топган бўлиши лозим:


жамият ва минтақадаги иқтисодий ва ҳуқуқий барқарорлик;

ЕАТни яратиш шартларининг минтақавий қонунчиликка мувофиқлиги;

ахборот таъминоти қуйидаги соҳалар доирасида амалган ошириш мақсадга мувофиқ: давлат ер кадастри ва уни назорати, яъни мониторинги, ерларни инвентаризация қилиш, ер тузиш, керакли ҳажмдаги картографик материаллар билан таъминлаш.

Ер ресурсларини бошқариш соҳасида қонун чиқарувчи шу билан бирга ижро этувчи ҳокимият тизимининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш, соҳани керакли билимига эга бўлган кадрлар билан таъминлаш, ер кадастри ва унга доир ахборотлар назорати учун рақамлаштирилган ахборот тизимини яратиш ва бошқа тадбирларни ўз ичига олади.

Ер ахборот тизимини шакллантириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, 1.6-расмда ушбу тизимни яратиш ва юритишнинг асосий вазифалари келтирилган.



1.6-расм. Ер ахборот тизимини юритишнинг асосий вазифалари

ЕАТни такомиллаштириш 1.6-расмда келтирилган вазифалардан келиб чиқиб, ахборотлаштиришга оид қонунлар, ерга оид ахборотлардан манфаатдор ташкилотлар билан интеграцияни таъминлаш, шунингдек, ер ахбороти асосида олинадиган солиқлар бўйича маълумотларни шакллантиришда янгилашиб бориладиган тизимни талаб этади.

ЕАТ белгиланган даражадаги функцияларга мувофиқ ўз танланган мезонлари асосида иш олиб борадиган ҳар бир даражасида мустақил вазифалар ҳал қилинадиган кўп босқичли ташкилий тизим сифатида ифодаланиши мумкин.

ЕАТ ташкилий тузилишини учта даражага ажратиш мумкин, уларнинг ҳар бири ер тузиш тизимига кирувчи ва ер участкаларини ҳамда кўчмас мулк объектлари ҳисобини юритиш, рўйхатдан ўтказиш ва баҳолаш функцияларини бажарадиган ташкилотлар томонидан намойиш этилади.

Биринчи даражадаги ЕАТнинг функциялари моддий ва ахборот ресурсларини рўйхатдан ўтказиш ва баҳолаш, шунингдек тизимнинг ишлашидир. Ушбу даражада таҳлил қилинадиган ҳудудда жойлашган объектларни тўғридан-тўғри рўйхатга олиш ва улар ҳақида маълумот тўплаш ташкил этилган ташкилотлар мавжуд. ЕАТ тизимини бошқариш (ташкилотлар - тизимни ишлаб чиқувчилари). Бу ерда барча инфратузилма объектлари ҳудуднинг макон модели билан боғланган (географик ахборот тизимидаги рақамли харита). Тизимнинг ушбу даражасида маълумотларнинг асосий қисми яратилади ва тарқатилади, кейинчалик улар ЕАТнинг юқори ташкилий даражалари ва ер тузиш тизими томонидан ўз фаолиятларида фойдаланилади.

Иккинчи даражада улар ЕАТни яратиш ва эксплуатация қилишнинг операцион масалаларини ҳал қилишади, шунингдек ҳудудларни ривожлантириш устидан назоратни амалга оширадilar.

Учинчи, ажралмас даражада, Кадастр агентлиги ва бошқа давлат органларида ЕАТнинг ишлаш стратегиясини, турли бўлимларнинг ўзаро

алоқаларини мувофиқлаштиришни, ЕАТ таъсирини шакллантириш шартларини ишлаб чиқмоқдалар мамлакатнинг, минтақанинг ёки ер муносабатларининг барча субъектларининг "ўзини тутиш қоидаларини" белгилайдиган келишилган ҳуқуқий ва меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш асосида. Бундан ташқари, давлат даражасидаги ташкилотларга ахборот-таҳлилий хизматлар кўрсатилади, уларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ер ресурсларидан фойдаланишни статистик таҳлил қилиш;

идоралараро ўзаро таъсирни таҳлил қилиш ва оптималлаштириш;

директив ҳужжатлар ижросини таҳлил қилиш;

худудларни ташкилий-техник ривожлантириш прогнози.


§ 1.2 Ер ахборот тизимини ҳуқуқий-меъёрий таъминоти

XX аср давомида инсоният цивилизацияси ривожланиши тарихида моддий объектлар меҳнатнинг асосий предмети бўлиб келган. Моддий ишлаб чиқариш, шу билан бирга хизмат кўрсатиш жараёнлари доирасидан ташқаридаги фаолият, қоидага кўра, ноишлаб чиқариш ҳаражатлари тоифасига киради. XX аср охирларига келиб инсоният тарихида илк бор саноати ривожланган мамлакатлар ижтимоий ишлаб чиқаришида ахборотлар меҳнатнинг асосий предмети бўлиб қолди. Ҳозирда меҳнат ресурсларини моддий ишлаб чиқариш соҳасидан ахборот соҳасига бевосита жалб этиш тенденцияси юзага келган бўлиб, бу жараён эндиликда ахборот инқилоби номини олган энг сезиларли белгига айланиб улгурган. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда саноати ривожланган мамлакатларда, меҳнат билан банд бўлган бутун аҳолининг ярмидан кўпроғи ахборотларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш жараёнида иштирок этмоқда [15, 54-б.].

Ер муносабатлари субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳимоя қилиш, ер ва мулк объектлари билан фуқаролик битимларини тузиш, ер учун тўловларни ундириш, ерларнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган жараёнлардан

химоя қилиш каби муҳим масалаларни ҳал қилиш қонуний рўйхатдан ўтишни талаб қилади ва геоахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кадастр ва мониторинг фаолиятини фаолиятини илмий ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш зарурати юзага келади. Ернинг ажралмас ахборот тизимини барпо этишни таъминлайдиган зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш учун уни ҳуқуқий муносабатларнинг махсус тоифаси сифатида шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистонда ахборот тизимларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш бўйича ишлар 2003 йилда "Ахборотлаштириш тўғрисида" ги қонунининг қабул қилиниши билан бошланди ва қуйидаги 1.7-расмда келтирилган тартибда муносабатларни белгилайди [16].



1.7-расм. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари¹

“Ахборотлаштириш - юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёнидир” [16]. Ахборот ресурси атамаси таърифига тўхталадиган бўлсак, уни электрон шаклдаги маълумотлар банки, маълумотлар тизими сифатида талқин қилиш мумкин.

“Ахборот тизими — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир” [16]. Миллий ахборот ресурслари – бу янги иқтисодий-ижтимоий категориядир.

Ахборотни ҳужжатлаштириш жараёни маълум тартиб-қоидаларга асосланган ҳолда махсус ваколатли ташкилотлар томонидан белгилаб берилади. Электрон ҳужжатни ва электрон рақамли имзони шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар меъёрий ҳужжатла доирасида тартибга солинган бўлиб, республикамизда ахборот тизимлари оммавий тарзда фойдаланилиши ёки хусусий мулк бўлиши мумкин.

Миллий ахборот тизимида давлат ташкилотлари ва органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари киради. Давлат органлари, муассасалари ва корхоналари ўзларининг ер ахборот манбаларига эга бўлиб, улар бошқа идора ва ташкилотларнинг манфаатлари объектига айланиши ҳам мумкин, натижада бу маълумотлар товарга айланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги қонуни. 2003 “Ахборотлаштириш тўғрисида”. 560-II-сон

“Ўзбекистон Республикасида ер ахборотларини тайёрлаш ва фойдаланиш доирасида муносабатларни тартибга солиш мақсадида республикада тегишли қонунчилик базаси ишлаб чиқилган. Қонунчилик базаси Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида” қонуни, Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби ҳақидаги Низомларини ўз ичига олади” [2,3,4].

Мамлакатимизда Ер кодексини ерга доир ахборотдан фойдаланишни тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати сифатида эътироф этиш мумкин. Унда ер ҳақидаги ахборот ернинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолати, уларнинг тоифалари, сифат ва қиймат кўрсаткичлари ҳақида, ер участкаларининг маъмурий жойлашиши ва майдони тўғрисида, ер участкалари бўйича тақсимоти ҳақидаги шаффоф ва ишончли маълумотлар тизимидан таркиб топгани таъкидланган.

“Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида ер кадастр ахбороти ҳақида тушунча берилган, ер ахбороти тузилиши ва турларининг мақсади, вазифаси ҳақида таъриф берилган, унинг ҳужжатлаштирилиши, амалда мажбурий қўлланилиши кераклиги қайд этилган. Давлат ер кадастрининг мақсади ер кадастр ахборотини шакллантириш бўйича ягона тизим сифатида таърифланади, уни махсус ишлаб чиқиш методлари аниқланган. Ер ҳақидаги ахборотларни ишлаб чиқиш бюджет маблағлари ҳисобига, шунингдек, ер билан ишлайдиган субъектларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади” [10, 24-б.].

Ернинг мавжуд ҳолати тўғрисидаги ахборотларни тизимланган ва яхлит шаклда бўлиши ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш тартиби Ер кодексининг 2 моддаси, шу билан бирга «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонунининг 23, 24 моддаларида таъкидлаб ўтилган [2, 4]. Ерга доир маълумотларда давлатнинг манфаатдор ташкилотлари ва органлари учун, ердан фойдаланиш жараёнларини бошқариш ва унинг маъмурий-худудий бирликларини бошқариш, ундан истеъмолчилар, яъни

юримдик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланилиши кўзда тутилган. Бу жараёнда қайд этилган моддалардаги тартиб ер ахборотининг истеъмолчилари ер участкаларини ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш, ердан фойдаланиш самарадорлигини жараёнларини баҳолаш, ердан фойдаланганлик учун амалда белгиланган тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва асослаб бериш орқали мавжуд масалаларни ҳал қилишда фойдаланишлари мумкин.

Ер ахбороти тузилиши, турлари ва унинг мақсади, вазифаси ҳақида Ер кодексида таъриф ва тавсифлар келтирилган, унинг рақамлаштирилиши, амалда мажбурий тартибда қўлланилиш жараёни кераклиги таъкидланган. Маълумки, давлат ер кадастрининг асосий мақсади ер кадастри ахборотини шакллантириш ягона тизим сифатида таърифланади, уни махсус шакллантириш методлари аниқланган. Ер ҳақидаги ахборотларни ишлаб чиқиш бюджет маблағлари ҳисобига, шунингдек, ер билан ишлайдиган субъектларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ҳозирги кунда жамиятнинг турли фаолиятида ҳамда бир қатор соҳаларида ердан самарали фойдаланиш бўйича ҳуқуқий муносабатлар тегишли қонунлар доирасида тартибга солиб турилади, мазкур қонунлар: Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуни, “Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида”ги қонун, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлар муҳим рол ўйнайди.

Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш керакки, “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисидаги” қонунида давлат ва тармоқ кадастрларини юритишда зарур бўлган ер ахбороти ҳақида, шунингдек, ерларни рўйхатга олиш, ер ҳисоби ва ер баҳолаш, табиий ва хўжалик объектлари жойлашган графикли кадастр режаси ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республика Ер кодексининг 15-бандида кўрсатиб ўтилганки, давлат ер кадастри маълумотлари бошқа давлат ва тармоқ кадастрларини юритиш учун асос бўлади” [2].

Шунингдек, Ўзбекистонда ЕАТни янада ривожлантириш ва рақамли технологик тизимларни жорий этиш юзасидан қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, улар устидан назорат олиб борилмоқда. Жумладан, Президент қарорлари «Миллий географик ахборот тизимини ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида (ПҚ-2045-сон), Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида (ПҚ-4699-сон) каби қарорлар йилдан йилга барча соҳаларда такомиллашган ва рақамлаштирилган тизимлар жорий этилишига замин яратмоқда[17,18]. Юқорида қайд этилган қонуний-меъёрий асослар ер ахборотини ишлаб чиқиш ва фойдаланишда ҳуқуқий таъминот бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир соҳада бўлгани каби ахборотлаштириш соҳасида ҳам техник-технологик жиҳатдан замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ва албатта ахборот хавфсизлиги жараёнларига алоҳида ёндошувга асосланган норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

§ 1.3 Ер ахборот тизимини шакллантиришда хорижий тажрибалар ва услублар

Ҳар қандай ҳолатда ва ҳар қандай шароитда мос келадиган ер ахборот тизимини лойиҳалаштириш мумкин бўлмайди. Махсус ижтимоий-иқтисодий асосий шароитлар ҳар бир мамлакатдан фарқ қилади. Ерга эгаллик қилишнинг турли шакллари ва ушбу соҳадаги ҳуқуқий вазият ер ахборот тизимлари учун асос яратади ва унинг техник хусусиятларини амалга оширади [19, 3-б.]. Бошқа томондан, сиёсий вазият кадастр тизимига молиявий ва етук мутахассис кадрлар киритилишини талаб қилади.

Маълумки, ер ахборот тизимини лойиҳалашда турли хил техник стандартлар мавжуд. Жумладан бир қатор ривожланган Европа мамлакатларида ер ахборот тизимини шакллантиришда дастлаб қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратилган:

катта экологик тизимларнинг ҳужжатлари (эрозия, тропик ёмғир, ўрмонларининг кесилиши ва бошқалар);

қишлоқ хўжалиги, ер ислоҳоти (ерлардан тежамкор фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ерларни бирлаштириш ва бошқалар);

шаҳар жойларининг ривожланиши (аҳоли портлаши, норасмий аҳоли пункти ва бошқалар);

ердан фойдаланиш статистикаси;

ерга эгалик ҳуқуқини ва ерга эгалик қилишнинг бошқа турларини, ерларни рўйхатга олиш тизими кўринишидаги ҳуқуқий ҳужжатлар [20, 21, 22].

Маълумки, ер, аҳолиси зич жойлашган жойларида одамлар учун энг муҳим бойлик ва ишлаб чиқариш воситасидир. Шунинг учун кўпгина ривожланган мамлакатларда ерга эгалик айниқса ҳукумат ташкилотлари томонидан кафолатланган. Ерга эгалик қилишни таъминлаш учун уч хил ҳуқуқий позицияни аниқлаш керак: ерга қандай эгалик қилиш, ерни қандай олиш ва мулкни қандай сақлаб қолиш. Жамиятларнинг ҳар хил шакллари хавфсиз ерга эгалик қилиш бўйича турли хил қарашларга эга ва бу қарашлар йиллар давомида ривожланмоқда, шунинг учун дунёнинг етакчи ва ривожланиш босқичида турган давлатлар мисолида келтирилган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий талаблар бўйича ер ахборот тизимлари ўзгариши жараёнини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Ривожланган давлатларда юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда хариталарни рақамлаштириш ва маълумотларни тавсифлаш бўйича икки томонлама иш олиб борилмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун маъмурлар томонидан баъзи қоидалар ўрнатилган: ЕАТнинг асосий таркибини рақамлаштириш, таркибини янгилаш ва кенгайтириш фақат суриштирув бўлимида амалга оширилади.

Буюк Британияда ер 2002 йилдаги ерни рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. 2003 йил ерни рўйхатга олиш қоидаларида мавжуд бўлган тартиблар бўйича худди шу санадан кучга кирган [23, 5-б.]. 2002 йилги ерни рўйхатга олиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтиш уйга, мулкка эгалик ва кафолатланган кредит бозорини қўллаб-қувватлайди:

давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган рўйхатга олишни таъминлаш, мулк ҳуқуқини янада ишончли таъминлаш, эгалик ҳуқуқини йўқотиш эҳтимолидан қўпроқ ҳимоя қилиш каби ғояларни илгари суради.

Францияда давлат молияси бош бошқармаси томонидан План Минуте де Сонсерватион (кейинги ўринларда ПМС) деб номланган кадастр варақларининг янгиланган рақамли маълумотлар базаси яратилди ва мунтазам равишда янгиланиб туради [24, 3-б]. Маълумотни қидириш бир нечта муқобил кўрсаткичлар бўйича амалга оширилиши мумкин: бўлим бўйича қидириш, муниципалитет (маҳалла фуқаролар йиғини) бўйича қидириш, манзил бўйича қидириш ёки кадастр маълумотномаси бўйича қидириш. Қидирув натижасида бир ёки бир нечта кадастр варақлари ёки маълумотлар базасининг тўлиқ ёки бир қисми рўйхати кўринишида пайдо бўлади, улар билан онлайн маслаҳатлашиш ёки янгилаш учун етказиб бериш, жисмоний ёки рақамли шаклда мавжуд бўлиб, ахборот қидириш хизмати бепул ҳисобланади.

Германияда 1900 йил 1 январдан бошлаб умумий-хусусий қонун бутун мамлакат учун амал қила бошлади. Ушбу қонун муносабати билан бутун мамлакат учун ерни рўйхатга олиш тизими яратилган. Ерни рўйхатга олишнинг ушбу тизими (немис тилида “Грундбуч”, яъни “Ер реестри”деб номланади) ерга ва биноларга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни ўз ичига олади. 1993 йилда рўйхатга олиш тартибини тезлаштириш тўғрисидаги қонун ер реестрини электрон шаклда юритишнинг ҳуқуқий имкониятини яратди. Германия Федератив Республикасининг конституцияси ер регистри тўғрисидаги қонунлар учун Федератив Республикада штатлар бўйича мулк кадастрига оид қонунларни қабул қилади. Давлатлараро органлар (давлат назорати органларининг ишчи гуруҳлари) мулк кадастрининг бир хиллигини таъминлайди. Ҳозирги кунда кадастр маъмурият ва хусусий секторнинг барча қонуний талабларини бажаради. Германиянинг кўп қисмларида хариталар ва кадастр ёзувлари компьютер тизимларида сақланади. Гарчи Германияда кадастр барча штат учун жавобгар бўлса ҳам, компьютерлаштирилган тизимлар ноёб истиснолар билан самаралидир. Ушбу тизимлар рақамлаш

тирилган кадастр харитаси ва рақамлаштирилган мулк регистри каби мустақкам ҳимояга эга тизимлар ҳисобланади. Ер реестри - бу чекланган давлат реестри бўлиб, унда ер, ерга бўлган ҳуқуқлар, мавжуд мулк тузилмаси ва улар билан боғлиқ ҳуқуқлар рўйхатга олинади. Германия Федератив Республикасида ерга эгалик қилиш хавфсизлигини кафолатлайдиган яхши ишлайдиган тизим яратилган. Кадастр ер ахборот тизимининг асосий маълумотлар базаси ҳисобланади. Кадастр ҳар қандай жамоат ер ахборот тизимида (ЕАТ) талаб қилинадиган базавий маълумотларнинг бир қисмини одатда рақамли шаклда шакллантиради. Шундай қилиб, техник стандартлар ушбу маълумотларнинг барча фойдаланувчилари томонидан аниқланиши ва қабул қилиниши керак. Тахминан 1,9 миллион аҳолига эга бўлган Гамбургда ушбу рақамли ЕАТ 100% бажарилган ва бир неча йилдан бери амалда [12, 14-б.]. Германияда кадастр ёзувларини сақлаш учун ALB (Automatisiertes Immobilienregister) деб номланган маълумот базасидан фойдаланилади [25].

Италия давлатчилигида сатасто атамаси ерни рўйхатга олишнинг италянча тизими сифатида қабул қилинган. Регистрнинг ўзи маҳаллий даражада алоҳида кенгашлар ёки комуни томонидан юритилади. Сатастўда сақланадиган маълумотлар ИСИ (Импоста Сомунале сугли Имвеби) кенгашининг мулк солиғи учун асосдир. Италияда Сатасто (Кадастр) ер реестри бўлиб, у мамлакатнинг катта қисмидаги мулклар тўғрисидаги график, аҳолини рўйхатга олиш ва маъмурий маълумотларни ўз ичига олади¹. Сатасто икки қисмга бўлинган: бири шаҳар мулкани, иккинчиси қишлоқ ерларини қамраб олади. Сатасто асосан солиқ мақсадларида қўлланилади. Бугунги кунда иккала регистр ҳам Агензиа делле энtrate (Молия агентлиги) томонидан юритилади, бу маълумотлар яхлитлиги ва сифатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг бир қисмидир. Катасто ёзувларини сақлашда шаҳарлар ва шаҳарлар ҳам рол ўйнайди. 2010 йил 1 июлдан бошлаб мулк эгалари ёпилиш чоғида Катасто ҳужжатлари (шу жумладан қават режаси ёки участка харитаси) мулкнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттиришини таъминлаши керак.

Япония миллий ер агентлиги 1974 йилда рақамли миллий ер ахборот тизимини ишга туширгандан бери Японияда ҳукумат, университетлар ва саноатнинг кўплаб ташкилотлари тармоқ, кўпбурчак ёки векторларнинг рақамли ер маълумотлар базаларини ишлаб чиқди. Шунингдек, маъмурий туманларда ер кадастр маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий воситалари ҳисоблаш ва телекоммуникация техникаси асосида яратилиши керак. Шу билан бирга, ер кадастри ахборот тизимининг техник тузилмаси дастурий таъминот ва тизимларининг барча босқичларида ошкоралик асосида шакллантирилиши керак [26].

Ривожланаётган мамлакатларда ер ахборот тизимида техник дизайн талабларни аниқ белгилаш зарурияти қайд этилган [27]. Ер кадастри маъмурият ва хусусий секторнинг ўзгарувчан қонуний талаблари ер ахборот тизимини режалаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа талабларни қондириш учун ишлаб чиқилиши керак.

ЕАТни шакллантиришда кўплаб хорижий давлатлар олимлари илмий тадқиқотлар олиб борганлар, жумладан А.Нақе ва R.Karim изланишлари давомида [26] ерга оид маълумотларни сақлаш, бирлаштириш ва бошқариш учун амалий дастурий таъминотнинг умумий кўринишини тақдим этганлар. Улар ишлаб чиқиш дастурий таъминотнинг номи “Экологик ер ахборот тизими” бўлиб, унда Total Station, Satellite, GPS, Digitizer, skaner каби замонавий технологиялар ва GIS дастурий таъминот технологиялари ёрдамида маълумотларни олиш, тўплаш, сақлаш ва интеграция қилишда қўлланилган.

2014 йилда A.Lisec ва G.Navratil ўз илмий тадқиқотларига асосланиб, Австрияда ер ахборот тизимининг узлуксиз ривожланиш тарихи сўнгги ўн йилликларда ахборот технологияларининг ривожланиши билан ер тўғрисидаги долзарб маълумотларни тақдим этувчи замонавий ахборот тизимига айланганлиги тўғрисида маълумотлар берилган [27]. Шунингдек, Нигерия ер ахборот тизимини юритишга оид дастурий таъминотни ишлаб чиқиш I.Abbas, D.Ben-yayork, R.Muhammad каби тадқиқотчилар

томонидан[28] ҳам тақдим этилган бўлиб, унинг бошқа тизимлардан афзаллиги керакли маълумотлар аниқланмаган тақдирда, маълумотлар тизимига сўров юбориш ва қисқа вақт ичида маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Кипр ер ахборотлар тизимининг маълумотлар моделининг ер бошқарув домен модели (LADM) такомиллаштириш жараёни 2013 йилда E.Elia, J.Zevenbergen, C.Lemmen ва бошқалар томонидан таҳлил қилинган бўлиб, натижада ушбу мамлакат учун миллий ва халқаро ахборот тузилмасига яхшироқ мослашиш имконияти пайдо бўлади[29].

Туркия кадастр тизими техник жиҳатдан икки хил кадастр даврига эга.

Булар: ёзма ва чизикли кадастр даврлари. Ёзма кадастр кадастр маълумотлари ўрнига сўзлар билан ифодаланишини англатади чизикли маълумотлар. Ёзма кадастр даврида техник инфратузилма этарли эмас эди. позитсияга асосланган маълумотларни визуализатсия қилиш, шунингдек техник жиҳатдан этарли эмас эди ушбу жараённи амалга ошириш учун ходимлар. Ёзма кадастрда кўчмас мулк чегаралари аниқланди шимолий, жанубий, шарқий ва ғарбдаги хусусиятларга эга бўлган эрга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатда мулк, масалан жанубга қишлоқ йўли, шимолга дарё бор. Бундай тадқиқотлар олиб борилган Усмонли империяси давридан 1934 йилгача. Ушбу ҳужжатлар ханузгача мулккий далил сифатида ишлатилган чизикли кадастр ишлари ҳали олиб борилмаган жойларда.

Чизикли кадастр даврида арифметик ва геометрик дастурларнинг киритилиши билан кадастр ишлари техник жиҳатдан истиқболи юксалган. Шу нуқтаи назардан, Туркиянинг чизикли кадастр ишлари 1990-йилларнинг бошларидан бошланди. Чизикли кадастр даври тўрт тоифага бирлаштирилиши мумкин: график, классик, фотограмметрик ва электрон тахеометрия усуллари [20].

“Ер ахборот тизимини шакллантириш кўплаб мамлакатларда азалий муаммолардан бири сифатида ўрганиб келинмоқда. С.Энмарк ва

бошқаларнинг фикрига кўра, ер бошқарувининг тўртта функцияси кадастр ва топографик маълумотлар тўпламини ўз ичига олган тегишли ахборот инфратузилмаси томонидан осонлаштиришни таъминлайди”[31]. Шунингдек, “Уилямсон ва бошқалар, ер маълумотлари сиёсати ва маълумотлар моделлари ва стандартларига киришга асосланган турли даражадаги Фазовий маълумотлар инфратузилмаси орқали шу тарзда ташкил этилиши керак деб ҳисоблайди” [30].

Бизга маълумки, ер бошқарув тизими ер ҳақидаги маълумотлар билан шуғилланади. Уилямсон ва бошқалар, кадастрни ер бошқаруви тизимларининг йўналтирувчи кучи ва ер бошқаруви парадигмасини амалга ошириш воситаси сифатида тасвирлайди. Бироқ, Халқаро геодезик федерацияси (ФИГ.1995) кадастрнинг энг кенг қамровли таърифларидан бирини беради: “Ер участкасига асосланган ва ерга бўлган манфаатлар (ҳуқуқлар, чекловлар ва ҳ.к.) маълумотларни ўз ичига олган замонавий ер ахборот тизимидир. У одатда ер участкаларининг геометрик тавсифини ўз ичига олади, булар эгалик ҳуқуқи ёки назоратни, кўпинча участканинг қийматини ва уни яхшилаш учун хизмат қиладиган маълумотлар билан боғлиқдир. У шунингдек, фискал мақсадларда, қонуний мақсадларда ва ердан фойдаланишни назорат қилишни бошқаришга ёрдам бериш учун шакллантирилади”[32].

Маълумки, ҳозирги кунда кадастр тизимлари кўп мақсадли фойдаланишга хизмат қилиши учун географик ахборот тизимлари ва замонавий ахборот технологиялари муҳити талабларига мос ҳолда шаклланиши керак. С.Уилямсон томонидан “Барқарор ривожланиш учун ер маъмурияти” номли китобида Жек Дангермонд географик ва ер ахборот тизимлари қандай боғланганлигини таърифлайди, яъни “Одамлар одатда география ҳақида ўйлашганда, улар одатда ер ҳақида ўйлашади. Демак, географик ва ер ахборот тизимлари ўртасида катта тафовут йўқ. Ер бошқарув

тизимлари ўз навбатида бутун дунё бўйлаб ердан фойдаланишнинг барақарор шаклларига йўл очади”[30].

Юқоридаги иқтибосдан кўриниб турибдики, “Географик ахборот тизими” ва “Ер ахборот тизими” кўпинча ўзаро фарқ қилмайди. Лекин уларнинг келиб чиқишига назар солсак, ЕАТ узоқ йиллар давомида мавжуд бўлган кадастр ўлчаш ва хариталаш ишларида ўз тарихига эга, ГАТ тушунчаси нисбатан янги, яъни у 1960 йилларга бориб тақалади. Бироқ ГАТ ҳам ўз илдизларини география ва картография тарихлари билан боғлаши мумкин. ГАТ фазовий таҳлил ва моделлаштиришнинг асосини ташкил этувчи асосий географик ва картографик тамойилларни ўз ичига олади. Оддий қилиб айтганда, ГАТни ЕАТ ва бошқа кўплаб ахборот тизимларидан ажратиб турадиган нарса унинг географик тамойилларга асосланган мураккаб таҳлилий функцияларни бажаришидир. ЕАТ ҳуқуқий, маъмурий ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш, режалаштириш ва ривожлантиришга ёрдам бериш воситаси сифатида, бир томондан маълум бир ҳудуд учун фазовий ҳавола қилинган ер билан боғлиқ муаммоларни ўз ичига олган маълумотлар базасидан, бошқа томондан эса маълумотларни янгилаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва тўплашдан иборат тизимдир. Замонавий ер бошқарувининг ролини тушуниш учун ер бошқаруви тизимини барча иштирокчиларини ўз вазифаларини бажаришлари учун тегишли ер маълумотлари билан таъминлайдиган кенгроқ, тўлиқ интеграциялашган ЕАТ ни шакллантириш лозим.

Миллий ЕАТ таркибига марказий (таянч), қўллаб-қувватловчи ва минтақавий маълумотларни қайта ишлаш тугунлари кириши керак, марказий тугун эса ЕАТ қатнашчиларининг бош ташкилотида жойлашган бўлиши, маълумотларнинг асосий қисмини сақлаши ва сўровларнинг аксариятини қайта ишлаши керак. Қўллаб-қувватлаш тугунлари тўғридан-тўғри ЕАТ фойдаланувчиларидан яратилади ва минтақавий иштирокчилар талабига биноан минтақавий тугунларни ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай тизимнинг асосий вазифаси маълумотларни кидириш ва уларни муайян фойдаланувчиларга тақдим этишдир. Шунинг учун ЕАТ муҳим ахборотлар тизимини ўз ичига олган ҳолда шакллантирилиши керак, бу замонавий маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш воситалари билан жиҳозлашни талаб қилади. Ривожланган давлатлар ер ахборот тизимини шакллантириш жараёнини интеграцияшган ҳолда бошқаришлари натижасида иқтисодиёт ва бошқа бир қатор соҳаларда катта ютуқларга эришмоқдалар. Жумладан, Европа Иттифоқи давлатларида ердан фойдаланишни тўғри шакллантириш кўплаб соҳалар ривожига сабаб бўлибмоқда. Маълумки, иқтисодий фаолият, ортиб бораётган ҳаракатчанлик ва транспорт тузилмасининг ўсиши ўртасидаги боғлиқлик одатда ердан фойдаланиш мақсадини ўзгартиришга сабаб бўлади.

Ер чекланган ресурсдир, ундан қандай фойдаланиш экотизимлар ва ҳаёт сифатига, шунинг билан бирга, яшил инфратузилмаларни бошқаришга сезиларли таъсир кўрсатадиган экологик ўзгаришларнинг асосий омилларидан биридир. Ердан фойдаланишни тизимлаштириш ва бошқариш қарорлари одатда маҳаллий ва минтақавий даражада қабул қилинади. Бироқ, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ердан фойдаланишни ривожлантириш режаларида атроф-муҳит муаммоларини ҳисобга олишларини ва ерни интеграциялашган бошқарув амалиётини таъминлашда муҳим рол ўйнаши кераклигини илгари сурадилар. Европа Иттифоқининг иқлим ўзгаришига мослашиш сиёсати ердан фойдаланишнинг ҳозирги ва келажакдаги амалиётлари, шунингдек, уларга боғлиқ бўлган иқтисодий тармоқлар билан бевосита боғлиқдир. Ердан фойдаланиш юқоридаги соҳалар билан бир қаторда, ҳудудий уйғунлик, транспорт, иқлим ва энергия тизими, табиат ва биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш каби бошқа кўплаб сиёсат соҳалари учун муҳим эътибордир. Европа Иттифоқига аъзо давлатлари “Copernicus” ер мониторинги хизмати маълумотларига эга бўлиб, у 1990, 2000, 2006, 2012 ва 2018 йиллар учун ишлаб чиқарилган (1.8-расм). Европа Иттифоқи мамлакатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилга қадар барқарор ривожлашин кун тартиби ва

барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишни қўллаб-қувватлайди, бу бошқа масалалар қаторида ернинг деградацияси тенденциясини камайтириш ва тармоқлараро келишувни илгари суришга қаратилган[3.1].




1.8-расм. Copernicus хизмат кўрсатиш дастури

Демак, Copernicus хизмат кўрсатиш дастури нафақат ерга оид маълумотларни, балки ГАТ орқали амалга ошириш мумкин бўлган бошқа тизимли маълумотларни ҳам ўзида жамлайди. Замонавий ер ахборот тизимлари ресурсларни узатиш ва маълумот алмашиш, шунингдек очиқ тарқатилган тизим тамойилига асосланган ягона усулларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Ахборотни қўллаб-қувватлаш янги аппарат ва дастурий таъминот ишлаб чиқилганлиги сабабли функционаллиқни оширишга имкон бериши керак. Шунини таъкидлаш керакки, ЕАТ кўплаб табиий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва бошқа маълумотлар базаларини бирлаштира олиши керак.

Техник лойиҳалаш жараёнида ЕАТ технологик жараёнларни амалга ошириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва уни сақлаш мақсадга мувофиқдир. Рақамлаштирилган тизим циклидаги технологик операцияларни қўллаб-

қувватлаш ахборот дастурлари тўплами билан таъминланади, уларни амалга ошириш белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган.



1.9-расм. Замонавий ЕАТнинг техник ва технологик имкониятлари

Юқоридаги 1.9-расмда ер ахборот тизимига оид ахборотларни техник ва технологик имкониятларидан келиб чиқиб, маълумотларни тизимли тарзда шакллантириш зарурлиги қайд этилади. ЕАТнинг самарадорлиги ва уни янада ривожлантириш имконияти кўп жиҳатдан қурилиш маълумот дастурларининг тузилишига боғлиқ. ЕАТнинг фаолият сифати кўрсаткичлари:

дастурий таъминотнинг очиклиги;

тақсимланган тармоқдаги ресурсларни тақсимлаш ва маълумотлар алмашинуви воситаларининг самарадорлиги;

етказиб бериш тизимларининг ривожланиши ва ахборотга кириш тизимининг самарадорлиги;

фотограмметрик ва картографик рақамли маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг функционал имкониятлари;

ишончилиқ, ҳаражат хусусиятларининг оқилона комбинацияси[5].

Юқорида келтирилган сифат кўрсаткичлари ушбу тизимда юзага келиши мумкин бўлган бир қатор камчиликларни бартараф этиш учун хизмат қилади.

I боб бўйича хулоса

1. Шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, рақамли иқтисодий тадбиқ қилишда ҳар бир тармоқ қаторида ер ахборот тизими маълумотлари ҳам қўллаб имкониятлар яратади. Шунинг учун бугунги кунга келиб, ушбу тизимни такомиллаштириш борасида қўллаб ривожланган мамлакатлар ўзининг тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар ва ахборотларни иқтисодий ривожлантириш мақсадида турли тармоқларга интеграция қилиш масалалари ўрганилган.

2. Ер ахборот тизимини шакллантириш, уни ишончли ва самарали юритишда кадастр тизимининг аҳамияти катта. Барча сиёсий ва ижтимоий тизимлар учун мукамал ечим бўлмайди. Агар кадастр ерга эгаликни таъминлаш тизимининг бир қисми бўлса ва жамият томонидан қабул қилинадиган ва давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланадиган тизим сифатида эътироф этилса, ер ахборот тизими инвестиция киритишга муносиб соҳага айланади. Бунинг натижасида ернинг асосий маълумот тизими шаклланади ва барча соҳада ишончли ахборот берувчи сифатида қўллаш имконияти юзага келади. Бу бўйича республикадаги мавжуд қонун ҳужжатлари таҳлил қилинган.

3. Мамлакатда ягона ер ахборот тизимини тўғри ва аниқ маълумотларга таянган ҳолда шакллантириш ва ушбу маълумотлардан самарали фойдаланиш жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида катта аҳамият касб этишини ривожланган давлатлар тажрибаси асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, бир қатор ривожланаётган давлатлар тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, миллий ер ахборот тизимини шакллантириш ҳамда ушбу ахборотларни тизимли узатиш хусусида замонавий технологияларни қўллаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан лойиҳа ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Дунёнинг ривожланган 10 га яқин давлатлари тажрибалари таҳлил қилинган ҳолда республикада миллий ер ахборот тизимини шакллантиришнинг афзалликлари ва имкониятлари ўрганилган.


II БОБ. ИННОВАЦИОН ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

§ 2.1. Ер ахборот тизимини шакллантириш жараёнидаги услугларни такомиллаштириш

Ер ахборот тизимини яратишнинг умумий мақсади мамлакатнинг ижтимоий-техник жиҳатдан раванқ топиши учун геоахборот тизимларни ахборотлар билан таъминлаш механизмларини шакллантиришдир. Ер ахборот тизимини жорий этиш муайян минтақада бир қатор афзалликларни яратади. Қуйидаги расмда ЕАТ ни жорий этиш афзалликлари акс эттирилган (2.9-расм).

ЕАТга қўйиладиган талаблар юқори аниқликдаги кенг қўламли топографик базани сақлаш тизими, катта ҳажмдаги мураккаб маълумотлар тизимига эга бўлган ер тўғрисидаги ахборот тизими ва автоматлаштирилган бошқарув сифатида бир вақтнинг ўзида шакллантириш мақсадга мувофиқ.

ЕАТни рақамлаштириш воситалари билан объектларнинг ҳудудий жойлашуви тизим топологиясини ўрнатади ва улар орасидаги маълумотларни узатиш каналлари тизимнинг ахборот-ҳисоблаш тармоғи ёки телекоммуникация тармоғи топологиясини аниқлайди. Ер ахборот тизимини лойиҳалашда тизимнинг марказий бўғини ва тегишли ҳудудий маъмурий органларнинг, телекоммуникация ва ахборотни муҳофаза қилиш воситаларининг маълумотлар базасини сақлашнинг дастурий ва техник воситалари ажратиб кўрсатилади.



2.9-расм. Ер ахборот тизимини жорий этиш афзалликлари

EATning белгиланган тартибда ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, картографик маълумотлар базаларини юритиш воситалари ҳам ажратилади. Ер ахборот тизимини жорий этиш 2.9-расмда келтирилган афзалликларни урта тармоққа ажратган ҳолда таҳлил қилиш мумкин. Бунда дастлаб, ҳокимият ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини самарали олиб боришда сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Иккинчидан иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий бўғинларидан бири бўлган солиқ механизминини ҳаракатга келтириш учун асос бўладиган ахборот оқими билан таъминлайди ва албатта меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашда, ер назоратини рақамли технологиялар ёрдамида бошқариш имконини яратади.



2.10-расм. Ер тўғрисидаги ахборот тизимининг инфратузилмаси

ЕАТни юрителишни такомиллаштиришда соҳага оид инфратузилмалар билан тўла таъминланганлиги ахборот сифатини ва ушбу тизимнинг ишлаш тамойилларга таъсир кўрасатади. Юқоридаги 2.10-расмда тизимдаги асосий инфратузилмалар шулар жумласидандир. ЕАТни шакллантириш ўзаро таъсирлар, ишлаб чиқувчилар ва турли хил тоифадаги ахборот фойдаланувчиларининг ўзаро таъсирининг хуқуқий мувофиқлигини таъминлайдиган ечимларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий бирликларида ахборотлаштиришнинг нормал ривожланиши учун маълумотларни тизимли тартибда йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва алмашилишни уларни кейинчалик ягона ахборот тизимига кўшилиши билан ташкил этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, корхоналар, давлат тасарруфидаги ташкилот, муассасалар ва маҳаллий ўзини бошқариш органлари билан маълумот интеграциялашув жараёнини ўзаро манфаатли шарт-шароитлар белгиланиши даркор бўлади.

Ер тўғрисидаги ахборот тизимини тайёрлаш ва босқичма-босқич фойдаланишга топшириш пайтида унинг нормал ишлаши учун шароит

яратишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш зарур. Ушбу тадбирлар қуйидагиларни таъминлаши керак:

ҳар бир иш тури ва босқичи учун раҳбарлар ва масъул ижрочиларни кўрсатиб, алоҳида кичик тизимлар ва умуман тизимнинг вазифа комплексларини яратиш ва ишга тушириш бўйича ишларни кетма-кет режалаштириш;

ходимларни зарур компьютер ускуналари билан таъминлаш;

ходимларни компьютерлар билан ишлашга ўргатиш ва муаммоларни эчиш натижаларидан фойдаланиш.

Алоҳида қуйи тизимларнинг ва умуман тизимнинг вазифа комплексларини фойдаланишга топширишга тайёргарлик кўриш бўйича асосий чора-тадбирлар рўйхати тизимни ташкилий қўллаб-қувватлашнинг ажралмас қисми бўлиши керак.

Вилоят миқёсида ЕАТни яратиш ва ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири бу қабул қилувчи-узатувчи ва каналларни шакллантирувчи ахборот тизимини яратиш бўлиб, у ҳар хил алоқа турлари ва воситаларини ва улардан фойдаланиш технологиясини ўз ичига олиши керак. Қабул қилувчи ва узатувчи восита анъанавий алоқа воситалари билан бир қаторда янги ахборот хизматларидан кенг фойдаланилишини таъминлаши керак.

ЕАТнинг ягона ахборот маконида ишлашини таъминлаш муҳим муаммо бўлиб, у қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни талаб қилади, деб ҳисоблаймиз:

компьютер технологиялари соҳасидаги жаҳон ютуқларига йўналтириш, компьютер тармоқларини қуриш воситалари;

компьютер тармоқларини қуришда, маълумотлар омборларини, ахборот хизматларини ташкил этишда илғор ахборот технологияларидан фойдаланиш;

рақамли тармоқлардан, симсиз алоқа тармоқларидан фойдаланиш, глобал Интернет тармоғига уланиш асосида ягона телекоммуникация муҳитини шакллантириш;

эскирган аппарат, тизим дастурлари, дастурий таъминот пакетларини модернизатсия қилиш ва ҳ.к.

ЕАТни таркибида чекланган маълумотлар қайта ишланадиган компьютер ва телекоммуникация ускуналари сертификатланган бўлиши ва ваколатли ташкилотларда ахборот хавфсизлиги бўйича махсус тадқиқотлар ўтказилиши керак. Ахборот таъминотининг яхлит тизими асосида бошқа бир тизимларни ишлаб чиқиш, уларни ишга тушириш, компьютер ускуналарига марказлаштирилган техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва тиклаш ва профилактика ишларини олиб бориш, дастурий таъминотни ишга тушириш ва яратиш ишлари ҳам киради. ЕАТ инфратузилмасининг барча таркибий қисмларининг самарали ишлашини таъминлаш учун ҳар бир тур бўйича ихтисослашувга мувофиқ мавжуд бўлган корхоналарни, ташкилотларни, муассасаларни такомиллаштириш ва янги корхоналарни яратиш заруриятини келтириб чиқаради. Ер ахборот тизимини замонавий даражада ушлаб туриш даврийлиги таркибий бўлинмаларни инобатга олган ҳолда амалга ошириш учун ер ахборотини шакллантиришга доир тегишли услубларни қўллаш билан эришиш мумкин. Уларни махсус ва умумий услубларга бўлган ҳолда шакллантирилади.

Ер кадастри ахборотлаш ресурслари жисмоний юридик шахс, давлатнинг муносабатлари объектларидир. Улар Ўзбекистоннинг ахборот ресурсларини ташкил этади ва бошқа ресурслар қаторида қонун билан ҳимоя қилади. Ахборотлаш ресурслари учун ҳуқуқий режим ахборотлаш тизимларидаги алоҳида ҳужжатларга хусусий мулк ҳуқуқини, ахборотдан фойдаланишга ижозат, ахборотдан фойдаланиш билан бирга унинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш шартларини ўрнатувчи меъёрлар билан аниқланади.

Бунда ахборотни ҳужжатлаштириш - ахборот ресурсларига киритишнинг мажбурий шарти. Ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун масъул давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар, уларнинг низомлари билан ўрнатилган вазифаларига мувофиқ фойдаланувчига ҳужжатлаштирилган ахборотни тўлиқ тақдим қилиш учун шароитларни таъминлайди. Давлат ер кадастри ахборот ресурслари иш юритишнинг қуйидаги соҳаларига мувофиқ шакллантирилади:

республика ахборотлаш ресурслари (“Геопортал” тизими);

республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг қарамоғида биргаликда турган ахборотлаш ресурслари;

маҳаллий бошқарув органлари ахборотлаш ресурслари.

Бевосита вазифасига кўра, ер кадастри ахборот ресурсларини давлат, махсус, оммавий турларга бўлиш мумкин. Давлат характеридаги ахборотлаш ресурсларига турли маълумотлар базасидан ва кадастрлардан олинган маълумотлар киради. Улар бошқарув, ижтимоий, статистик, молиявий ва тижорат, таркибий қисмларга бўлинади. Улардан давлат масалаларини ва хўжалик мажмуаси тармоқларининг стратегик тараққиёти масалаларини ҳал қилиш учун фойдаланилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, махсус ер кадастри ахборот ресурслари иқтисодий, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, экологик, маркетинг, аукцион ахборотларини ўз ичига олади. Улар хўжалик мажмуасининг алоҳида тармоқлари, мутахассислари учун мўлжалланган. Оммавий характердаги ер кадастри ахборот ресурслари бу – ҳуқуқий, сиёсий, ўқув, маълумот берадиган, архив ахборотлар, шунингдек, атрибутив маълумотлар ер участкаси ва кўчмас мулк объектлари ҳақидаги ахборотлар мажмуасидир.

Ер кадастри ахборот ресурслари қуйидаги талаблар асосида шакллантириш тавсия этилади:

ҳаққонийлик, долзарблик ва тезкор тақдим этиш;

тўлиқлик ва ахборотдан фойдаланувчилар сўровини таъминлаш;

махфийлик даражаси бўйича бўлимлар;

очик ахборотга ижозат;

ягона ахборотлашни фазовий шакллантириш мақсадида турли маъмурий-худудий ташкилотлар ва муассасалар ахборотлаш ресурсларини таққослаш мумкинлиги.

Ер кадастри ахборот турлари таркибий қисмга оид белгиланган ахборотларни тўплаш (статистик маълумотлар, материаллар, илмий ва бошқа ҳисоботлар, электрон карта ва электрон ёзувлар), сақлаш ва фойдаланиш учун мўлжалланган. Ахборотлар таркиби ва ташкил этилиши ахборот тизимлари ишининг самарасига боғлиқ (йиғиш, ишлов бериш, тизимлаштириш, ахборотни қидириш ва истеъмолчиларга етказиш). Ахборотлаш таркибини шакллантириш у ёки бу тизим ечадиган аниқ масала билан аниқланади. Ер кадастри ахборотлари қуйидагилар бўйича таркибий қисмларга бўлинади:

функционал белгиси бўйича (бошқариш фаолиятини у ёки бу шаклда акс этиррадиган ҳужжат ёки маълумотлар, таркибий тавсифлар алоҳида қисмларга бирлаштирилади);

ҳужжат тури ёки ҳужжатлар гуруҳи (рўйхатлаш, ер ҳисоби, ер баланси, ер баҳолаш) бўйича;

мураккаброк белгилар бўйича, ҳамма вақт ҳам предметли тизимлаштириш билан боғланган.

Таркибий қисмга тегишли ахборотга муҳим талаб бу ахборотни тез ва аниқ излаш таркибий қисмдан фойдали ахборот олиш имкониятидир. Ахборотнинг тўлиқ бўлиши билан бирга талабни қондириш қобилияти ахборот турининг сифатини аниқлайди. Ер кадастри ахборот ҳужжатлари қуйидаги кўринишда тўпланади ва сақланади:

қоғоз, унинг асосий тавсифлари – сақлашда ихчам эмаслиги, тез излаш, нусха олиш ва истеъмолчига ахборотни бериш имконияти йўқлиги;

микронусха – ахборотни сақлашда ихчамлик, танлаб нусха олишнинг ва истеъмолчига ахборот беришнинг ноқулайлиги микрофишни ўқиш учун, албатта, махсус қурилма бўлиши кераклиги;

электрон маълумотлар базаси ва банки ахборотни сақлашда максимал ихчамлик, йиғиш, сақлаш, излаш ва тарқатиш функциялари самарали уйғунлаштирилган.

Ер кадастрини юритишда ахборотлаш тизими – бу қарор қабул қилиш учун яроқли ахборот олиш мақсадида дастлабки маълумотлар билан ишлаш жараёнларини тўплаш. Ўз вазифасини бажариши учун ахборотлаш тизим функционал имкониятларининг тўлиқ тўпламига, шу жумладан кузатиш, тавсифлаш, шарҳлаш, прогноз, қарор қабул қилиш имкониятларига эга бўлиши керак. Бошқариш жараёнларида ахборот турларининг мазмунини кенгайтириш ва вазифаларини мураккаблаштириш, уларнинг аҳамиятини ошириш ахборотни қатъи ҳисобга олиш ва ҳимоя қилишни талаб этади. Ер кадастри ахборот ресурсларини соҳага оид ташкилотлар мулки таркибига киритиш кўзда тутилган.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ахборотлашнинг бош вазифаси сифатида фуқаролар, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмаларининг ахборот ресурсига бўлган бирламчи эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини таъминлаш, зарур бўлган инфратузилмалар базасини яратиш, усиз ҳар қандай даражада иқтисодий тизимларнинг самарали фаолият юритиши, шунингдек, уларни бошқариш мумкин эмас. Ахборотлаш жараёнига маълум таъсир кўрсатувчи учта ташкил этувчини ажратиш мумкин:

ҳисоблаш техникаси ва алоқа техникасининг дастурий-аппарат воситалари;

ахборотлаш технологиялари;

фойдаланиш тизимлари ва ахборотлаш тизимлар.

Биринчи ташкил этувчи учун техника-технологик мажмуани шакллантириш характерли (компьютер, модемлар, серверлар ва хаказо). Иккинчи ташкил этувчи компьютер дастурларини, интеллектуал эксперт тизимларни, маълумотлар базасини тақсимлашни, электрон архивларни, кутубхоналарни, нашр тизимлирини, алоқа воситаларини, ахборотлаш хавфсизлик технологияларини ўз ичига олади. Бу энг ҳаракатчан тараққий қилаётган ташкил этувчидир. Масалан, ахборотлаш технологияларининг жаҳон бозоридаги ҳажми ҳар йили 6 – 8%га ўсади. Учинчи ташкил этувчи – ҳисоблаш техникаси воситаларидан фойдаланиш бўйича электрон дастурлар тўплами.

Турли ахборот эҳтиёжларини максимал қондиришга қодир бўлган ахборотлаш маҳсулотлари ва хизматлар бозорининг тараққий қилиши ахборотни тенг ҳуқуқли товар сифатида товар-пул муносабатларига жалб қилишга имкон берди. Бозор шароитларида ер кадастри ахборотининг товарга айланиши рақамли ахборот ресурсларининг, шунингдек, узоқдан масофадан туриб улардан фойдаланиш воситаларининг интенсив тараққиётига олиб келди.

Ер кадастри ахборотлаш фаолияти – ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, излаш ва тарқатишда, шунингдек, ахборотлаш ресурсини шакллантиришда ва ундан фойдаланиш учун ижозат (рухсат)ни ташкил қилишда амалга ошириладиган жараёнлар ва ҳаракатлар. Ер кадастри вазибаларини юритиш бўйича олиб борилаётган таркибий-ахборот фаолияти давлат кадастрлари ягона тизими тасарруфидаги ҳудудий органлар, шунингдек, тўпланаётган ва тарқатилаётган ахборот турлари, тематикаси, маълумотлар йиғиш технологияси, хизмат кўрсатилаётган регион бўйича ихтисослашаётган бошқа ташкилий таркиблар (марказлар, институтлар, кутубхоналар, бўлинмалар) фаолиятларини қамраб олади. Демак, ушбу

жараёнлар жисмоний ва юридик шахсларга ер русурсларини бошқариш жараёнларида қатнашишлари бўйича имкониятларни кенгайтиришни таъминлашга қаратилган.

Бу масалаларни муваффақиятли ечиш учун зарурий шарт – давлат ер кадастрини юритишда ахборотлаш сиёсати. У виждонан олиб борилаётган ахборотлаш фаолиятини рағбатлантиришга; монополизм билан курашга; ахборотлаш хусусий мулкни ташкилотларда ҳаддан ташқари кўп тўпланиши устидан назоратга; интеллектуал мулк ҳимоясининг натижа берадиган механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга; ахборотлаш инфратузилмасини шакллантириш ва тараққий эттиришга; жамиятнинг ахборотлаш маданиятини ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

Ер кадастрининг ахборот таъминоти деганда ер участкалари ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектлари бўйича ҳужжатларни қайд қилиш мақсадида ердан фойдаланишдаги қийинчиликлар ҳақида ахборотни йиғиш ва мувофиқ равишда ишлов берилган ахборотни тақдим қилиш ер кадастри жараёнини, шунингдек, манфаатдор фойдаланувчилар ўртасида уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларга мувофиқ ахборот алмашиш жараёнини эътироф этишни тушуниш керак.

Демак, ерга оид ахборотларни самарали бошқариш вазифаларини белгилаш зарур. Ер кадастри тизимини ахборотлаш ва таъминлаш вазифалари қуйидагилардир:

ер кадастри тизимини ҳуқуқий таъминлаш;

маълумотлар банкини тўлдириш, янгилаш, иш юритиш ва маълумотларни рақамлаштирган ҳолда ҳужжатлаштириш;

манфаатдор органлар, юридик ва жисмоний шахсларга зарур бўлган ахборотни тақдим қилиш;

ер кадастри тизимини, ердан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

ер бозорининг тараққийёт прогнози, ахборотлаш бозори, ердан фойдаланиш прогнози;

ахборотни ҳимоя қилиш.

Юқорида қайд этилган ахборотлар ва ахборотлаштириш масалаларининг мазмуни ва асосий тавсифларидан кўриниб турибдики, ер кадастри ахборот таъминотининг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқишда ушбу билимларга суяниш керак бўлади. Ахборотлаштиришга оид таърифлар, фикр-мулоҳаза, фаразлар ер кадастри ахборот таъминотининг методологик асосларини яратишга хизмат қилади. Улар ўз навбатида давлат кадастрлари ягона тизмининг таркибий қисм ва тамойилларини ишлаб чиқишга асос ҳисобланади.

Ер участкаларининг миқдорий, сифатий ва қиймат тавсифлари ер кадастрини ўрганиш предмети ҳисобланади. ЕАТни такомиллаштириш жараёнида қуйидаги махсус услублардан фойдаланиш зарурияти юзага келади: ерга нисбатан мулкчилик ҳуқуқини рўйхатга олиш услуги, ерлар майдони ва сифатини ҳисобга олиш услуги, ерни баҳолаш услублари. Ер ахборотини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фойдаланиладиган умумий усулларга қуйидагилар киради: топографик, геодезик, аэрофотогеодезик, махсус дала тадқиқотлари, картографик, картометрик, маълумотларни ва хабарларни рўйхатга олиш методи, ерлар ва тупроқни бонитетлаш, ер баҳолаш методлари, статистик методлар.

§ 2.2 Ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги йўналишлари

Жаҳон амалиётидаги кузатишларга кўра, давлат бошқарувининг барқарорлиги ва ривож топишининг асосий омили ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили, уларни мониторинг қилиш ва бошқарув тизими ҳар қандай давлат учун катта аҳамият касб этади. Ер ресурсларини бошқаришга нисбатан давлат сиёсати, ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий, табиатни муҳофаза қилиш, технологик ва

бошқа кўринишларини тақозо этгани каби, уларни ўзаро интеграция қилиш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Давлат манфаати нуқтаи назаридан рўйхатга олиш ишларини ўтказишнинг устувор бўлган ҳудуди шаҳар ва қишлоқлар ерлари, фойдали қазилмага бойлари ва суғориладиган ерлар ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган стратегик мўлжаллар Кадастр агентлиги томонидан ушбу муаммони ечимига оид махсус Дастур ишлаб чиқилишини талаб этади. Ўз навбатида, умумий стратегик тартибдан келиб чиқиб, ер участкаларини рўйхатга олиш бўйича умумий дастур таркибида, ўзида устуворликларни, босқичларни, ер фондидан фойдаланиш тадбирлари ижросини таъминлашга мўлжалланган сарф-харажатлар баҳосини ва кутилаётган иқтисодий фойдани акс эттирмоғи лозим. Бу дастурлар, ташкилий, норматив-ҳуқуқий, технологик, молиявий, ахборот ва бошқа таъминотларини ўз ичига олмоғи зарур.

Тошкент вилоятида ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги йўналишлари тўғрисидаги дастур хусусида сўз юритар эканмиз, мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ислохотларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" [\[3.9\]](#) ги ПФ-6079 сонли фармонида мувофиқ тайёрланиб, фармоннинг 2 иловасида соҳага оид бир қатор ахборот тизимларини рақамлаштиришга тўхталиб ўтиш жоиздир. Жумладан, «Маҳалла» ягона ахборот тизимини ҳудудда жорий этиш ва «E-qaror» электрон тизимини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этишда ер ахборот тизими ўрнини аниқлаш каби ахборот тизимларини жорий этиш.

Ерга оид муносабатларни шакллантиришда ҳаққонийлик, омилкорлик, шаффофлик ва адолат сиёсати, мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришдаги умумий йўналишларни асосий қисмларидан бири бўлиб қолмоғи лозим. Зеро Ўзбекистон Республикаси ер ахборот тизимини

шакллантириш дастурини ишлаб чиқиш зарурати, республикамиз ер ресурсларини иқтисодий равақ топишга элтувчи асосий айланмасига бирикиб кетганлигидан, ундан оқилона фойдаланиш, уни муҳофазалаш, ердан фойдаланишнинг такомиллашган миллий ахборот тизмини яратилишидан келиб чиқмоқда.

Дастурни амалга ошириш ер ахборот тизимини бу унинг мазмуни бўйича ўзида, долзарб муносабатларни қайта шаклланаётган тизимдаги ер муносабатларининг ривожлантириш йўналишларини ўзида акс эттиради. Ер муносабатида бўлган катта ўзгаришлар, ердан фойдаланишдаги янги ахборот тизимини яратишга замин ҳисобланади. Ушбу ер ахборот тизимининг таркибий ўзгаришлари қуйидагича тавсифланади:

ерни мулкчилик шаклининг кўп хиллиги;

ерга бўлган давлат монополиясини бекор қилиш ва ерни фуқаролар фойдасига қайта тақсимлаб бериш;

ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш;

айрим турдаги ер участкаларида хусусий мулкчиликнинг мавжудлиги ва ер бозорини ривожлантириш;

деҳқон ва фермер хўжаликларини кўп трамоқли қатламини шакллантириш жараёни;

ерга бўлган ҳуқуқларни расмийлаштирилиш.

Ер ахборот тизimini шакллантириш ва уни муҳофазасини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йили "Ер кодекси", "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" [\[1.19\]](#) ги ПФ-6061 ва 2021 йил 8 июндаги "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига

айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” [\[1.20\]](#) ги ПФ-6243 Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари қабул қилинган.

Шунингдек, 2021 йил – “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” [\[3.9\]](#) Давлат дастурининг 120-бандида ҳам қишлоқ хўжалигида ер муносабатлари бўйича ислохотларни янада такомиллаштириш, ерларни бозор активларига айлантириш ҳамда ер участкаларини ижара ҳуқуқи билан фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш борасидаги чора-тадбирлар белгиланган.

Дастур ва уни ижро этиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси ердан фойдаланишни бошқаришга оид қонунчилик ҳужжатлари талабларига ҳам мос келади. Республикада ягона ер фонди тўғрисидаги ахборотларини истиқболдаги дастурининг асосий мақсади қуйидагилардир:

ер фонди, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

ер муносабатларини бошқаришда мулкчилик шаклидан қатъий назар, ер ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчиликда белгиланган қоидаларга мувофиқ давлат ҳуқуқ органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

ер участкасига доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижара ва эгалик қилиш бўйича ҳужжатлар шаклини такомиллаштириш;

ердан фойдаланишда самарали ва оқилона фаолият кўрсатишни, солиқ сиёсатини инвестициялаш ва такомиллаштиришдан тушадиган қийматларни ўсиб бориши учун зарурий йўналиш ҳисобланувчи, қайта яратилган институтлар тариқасида кўриб чиқишга илмий-услубий асосларни яратиш.

Тошкент вилояти ер ахборот тизимининг 2030 йилгача мўлжалланган Дастурини ишлаб чиқиш зарурияти, ҳудуддаги ер фондини умумий кўчмас мулк иқтисодий айланишига тўлиқ қўшилиб кетиш жараёнида ундан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг такомиллашган тизимини яратиш заруриятини тақозо этмоқда. Бундай ёндашув ерга бўлган мулк ва бошқа ҳуқуқлар рўёбга чиқиши ҳамда кафолатлигини таъминлайди. Вилоят ер фондидан фойдаланиш ва унинг ҳудудий-маҳаллий бюджетига ундириладиган ер ҳақини адолатли тизимини жорий қилишга хизмат қилади.

Дастурни уч босқичдан иборат ҳолда амалга ошириш тавсия этилади. Унинг дастлабки босқичи мазмунан, вилоят ва туман(шаҳар) ер ахборот тизимини самарали юритиш йўналишларини акс эттиради. Уни 2024-2025 йилларга мўлжалланган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилади. Биринчи босқичда танлаб олинган стратегик мақсад бир томондан, сарф-ҳаражатлар энг кам бўлишига, иккинчи томондан эса, қисқа вақт ичида самарали иқтисодий фойда беришига имкон яратувчи фаолиятга йўналтирувчи ер муносабатлари устуворлигини ва ундаги ташкилий-техник муаммоларни ечишни таъминлайди. Биринчи босқич 2025 йилгача бўлган муддатни қамраб олган ҳолда асосан, сезиларли сарф-ҳаражат талаб қилмайдиган, ер муносабатларида сифатли ўзгаришларга олиб келувчи, ҳуқуқий-техник, ташкилий бошқарув, ер ахборот таъминоти босқичларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган технологик характердаги чора-тадбирлар амалга оширилади ҳамда II босқични ўтказиш учун ташкилий-иқтисодий асосларни яратишга хизмат қилади.

Ушбу Дастур Кадастр агентлиги томонидан ишлаб чиқилган, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий, аграр ва ер ислохотларининг таҳлили, натижалари ҳамда стратегик йўналишлари асосида шакллантирилган. Ер ахборот тизимини такомиллаштиришнинг бош мақсади иқтисодий томонларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер фондининг ижтимоий, инвестицияли ва ишлаб чиқариш салоҳиятини

кўтаришга оид ишончли, ҳаққоний ва зарурий ахборотлар билан таъминлашдир.

II босқич 2026 – 2028 йилларда ердан самарали фойдаланиш бўйича ишларни ўтказишга қаратилган ер ахборот тизимини яратишдан иборат техник-технолоик чора-тадбирлар амалга ошириш кўзда тутилади. Ушбу босқич асосан ер ахборот тизимига оид мавжуд услубларни такомиллаштиришни ҳам қамраб олади.

Ер участкаси ва кўчмас мулк объектларини шакллантириш жараёнида ушбу объектларни бир-биридан ажратиб олиш бир қанча комплекс тадбирларни ўтказишни талаб қилади. Бунинг натижасида объект бўйича тасдиқланган ҳужжатлар маълумотлари асосида шундай жисмоний, юридик, техник ва иқтисодий тавсифнома оладик, бу муайян ер участкаси ва кўчмас мулк объектини бошқаларидан яққол ажратиб туради.

Истиқболда кўчмас мулк объекти икки йўл билан шакллантирилади: давлат бошқарув органларининг ташаббуси билан ва уларни маблағи ҳисобига режалаштирилган рўйхатга олиш натижасида; қуйи пағонада эса юридик ва жисмоний шахслар ташаббуси ва уларнинг маблағи ҳисобига амалга ошириш кўзда тутилади. Тажриба шуни кўрсатадики, давлат бюджети ҳисобидан ер ва кўчмас мулк объектларини комплекс ялпи рўйхатга олиш катта маблағ сарфлашни талаб қилади ва одатдагидек, кутилган иқтисодий самарани бермайди. Умумий стратегиядан устуворроқ йўналишни танлашдан келиб чиқиб, биринчи босқичда рўйхатга олиш ишлари тезроқ иқтисодий фойда бера олиш имконияти бор ҳудудларда омилкорлик ва иқтисодий манфаат келтирадиган усул ҳисобланади.

Мазкур дастурни амалга ошириш жараёнида ер ахборот тизимини шакллантирувчи тегишли органлар ва уларнинг ваколатлари қуйидагича белгиланади: ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солишда техник-технологик чораларни қўллаш орқали вилоят ер фондини муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишни жорий этишда ер ахборот

манбаларидан фойдаланиш орқали давлат органларининг мақсадли фаолияти кўзда тутилади; ЕАТни ишлаб чиқишда давлат бошқаруви – ҳозирги ва келажак авлод ҳамда ердан фойдаланувчи, ижарачи ва мулкдорлар манфаатлари мужассамлаштирилишига эътибор қаратган ҳолда шаффоф ва ишончли ер ахборот таъминотини жорий қилишга эришиш. Шу боис ЕАТни ердан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган, ўзаро узвий боғланган давлат миқёсидаги ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва ташкилий-хўжалик чора-тадбирларни жорий этишга асосланган тизим деб ҳисоблашимиз лозим.

Кадастр агентлиги таркибидаги ЕАТ хизматининг бу функцияси умумий ва махсус элементлардан иборат бўлиб, умумий элементлар барча тоифадаги ерлардан оқилона фойдаланишга, махсус элементлар эса алоҳида олинган ер тоифаси даражасида назорат қилиш хусусиятига тааллуқлидир.

Дастурнинг учинчи босқичи (2028-2030 йиллар)да ер ахборот тизимини шакллантириш жараёнига оид мониторинг ўтказиб бориш устидан давлат назоратини амалга оширишдан иборат. Назорат мақсади ер участкаларига эгаллик қилишнинг қонунийлиги ёки унинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлигини аниқлашдан иборат. Назорат ишлари ер участкаларининг амалдаги ўлчамлари ва чегараларини аниқлаш билан боғлиқ тадбир ҳисобланади. Амалда қонуний ер участкаларининг майдонларини ўзбошимчалик билан кенгайтириб олиш; бир қисмини бошқа шахсга бериш йўли билан ер участкалари майдонининг қисқариши; амалиётда ер участкалари чегараларини уларни ўзбошимчалик билан алмаштириш орқали ўзгартириш каби ҳолатлар учраб туради. Бинобарин, фойдаланувчи ердан амалда юқорида келтирилган салбий ҳаракатлар оқибатида унга қонуний берилган ердангина эмас, балки бошқа ер майдонларидан ҳам фойдаланаётган бўлиши мумкинлиги аниқланади.

Назоратни ўтказишда ЕАТ хизмати масъул мутахассиси ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ёки ер участкаси мулкдоридан ер участкаси унга

берилишининг ҳуқуқий асослари, ер участкаси ўлчамлари ва чегаралари тўғрисидаги барча керакли ҳужжатларни талаб қилиш ваколатига эга бўлиши зарур. Ер участкасидан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик қонун томонидан тақиқланади ва ерга эгалик ҳуқуқини бекор қилинишига асос бўлади. Ҳар бир муайян ер участкасидан қайси мақсадда фойдаланилиши ер фондини бошқарувчи давлат органлари томонидан аниқланади ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларида акс эттирилади. Назорат ишлари асосан кадастр ҳужжатларида белгиланган мақсадли фойдаланишнинг амалдаги ҳисобга тўғри келишини аниқлаш бўйича ўтказилади.

Давлат ер назоратининг махсус тадбирларни алоҳида ер тоифалари ва ер турларидан оқилона фойдаланилишни таҳлил қилиш мақсадида ўтказилади. Шу сабабли ҳам давлат назоратининг махсус турлари ер ахборот маълумотлари асосида жорий қилиниши керак. ЕАТ эксперт хизматини жорий этиш кутилган самарали натижаларни бериши мумкин. Эксперт хизмати таркибига кирувчи мутахассиснинг асосий вазифаси ЕАТга оид ҳужжатларни меъёрий – ҳуқуқий ва техник талабларга мослиги, уларда қайд этилган таклиф ва тавсияларни илмий асосланганлигига эътибор қаратиши зарур бўлади.

Вилоят иқтисодиётида таркибий ва институционал қайта қуриш талабларига жавоб берадиган шаффоф ЕАТни жорий қилиш асосида ердан тежамкорлик билан фойдаланишни ривожлантириш кўчмас мулк объектларини уларнинг муҳим ва ажралмас қисми сифатида ўзаро уйғун бўлган давлат тадбирларини амалга оширишгина, таъминлай олади. ЕАТ ни ривожлантиришни асосий мақсад-вазифаси қуйидаги тадбирларни изчил амалга оширишга хизмат қилади:

ер фонди тақсимоти ва қайта тақсимотини ҳолда ривожлантириш;

ер ва бошқа кўчмас мулклардан фойдаланишга оид инфратузилмани такомиллаштириш истиқболларини асослаш;

ер турлари таркибий ўзгаришини илмий асослаш бўйича услубларни такомиллаштириш бориш;

фойдаланиши чекланган ва фойдаланишдан чиққан ер майдонларига аниқоик киритиб, хусусийлаштириш мумкин бўлган ер майдонларини қамровини кенгайтириш;

ер участкалари хусусийлаштирилиб олинганда ер ҳақи тўлов меъёрларини белгилаш;

давлат мулки ҳисобида турувчи ер участкаларининг бошқариш самарадорлигини уларни тўғридан-тўғри давлат фаолиятида фойдаланиш учун ва тижорат мақсадида ажратиш йўли билан ошириш;

туман заҳира ер участкаларини, асосан “ким ошди” савдолари ва аукцион тамойиллари асосида тақсимлаш тадбирларини ўтказиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ипотека орқали кредит олишларини ривожлантириш;

давлат мулки ҳисобида турувчи ер участкаларининг ижарага ёки иккиламчи фойдаланишга бериш имкониятларини кенгайтириш;

ер танлаш ва ажратиш жараёнларини такомиллаштириш.

ер участкасига нисбатан ўтказиладиган олди-сотди муносабатларида амалга ошириладиган ишларни техник таъминотини такомиллаштириш;

ер ахборот тизимини бошқаришда қонун бузилишига йўл қўйганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик ўрнатиш.

Бу борадаги Дастурнинг I босқичи (2024-2025 й.й.) да амалга оширилиши даркор бўлган асосий тадбирлар мажмуаси қуйидагилардир:

ер ахборот тизимини юритишнинг амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базалар талабларига жавоб бера оладиган электрон ахборот алмашув тизимини шакллантириш;

Ўзида асосий Низом, тартибларни, илмий асосланган тамойил ва қоидалар мажмуини намоён қилувчи, ер ва унга боғлиқ мулкрий муносабатларни мувофиқлаштириш тизимидаги ЕАТнинг ўрни ва аҳамиятига асосий эътиборни қаратиш;

ЕАТ истеъмолчиларининг ахборотга бўлган талаблари таҳлили, ахборотлар оқими, ҳужжатлар ва бошқа зарурий компонентларни ўрганиб бориб, истеъмолчилар билан ахборотлар ўртасидаги ўзаро таъсир қилиш механизмини аниқлаш асосида ЕАТни таркибий қисмлари бўйича ишлаб чиқиш;

ЕАТнинг ҳуқуқий таъминот базасини такомиллаштириш, тизимнинг ва дастурий воситалар мажмуининг ташкилий-технологик жараёнлар лойиҳасини шакллантириш, ахборотларни техник жиҳатдан ҳимоялаш ва уларни истеъмолчига етказиб бериш тизимларини ишлаб чиқиш, дастурий технологик мажмуаларни ва уларни таъминловчи таркибларни ҳаракатга келтириш, шунингдек, салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва қайта малакасини ошириш борасидаги ишларни амалга оширишни назарда тутган “Ер ахборот тизимининг рақамли механизмини яратиш” бўйича мақсадли йўл харитасини тайёрлаш ва тасдиқлаш;

ЕАТни ягона услубга асосланган ҳолда тартибини таъминлаш;

ЕАТ доирасида маъмурий-худудий ер мониторинги ахборот базасини шакллантиришни такомиллаштириш;

ЕАТ ҳужжатлари таркибини қуйи поғонадан республика миқёсдаги ҳисобот шакли ва тўлдириш бўйича тартибларни такомиллаштириш;

ЕАТни амалдаги “массив” ўрнига МФЙ даражасида тадбиқ қилишга эришиш чора-тадбирлар бўйича ишларни ташкил қилиш;

ер ресурслари жорий ҳолати ва баҳоси ҳақидаги амалдаги мавжуд маълумотларга бўлган талабни узлуксиз равишда назорат қилиб бориш, ер ахборот тизими юритилишини, унга иқтисодиёт тармоқлари ва табиатни

муҳофазалаш талаб этиладиган тегишли маълумотларни мунтазам киритилишини доимо такомиллаштириб боришни амалга ошириш.

Дастурнинг II босқичида, яъни 2026 – 2028 йилларда амалга оширилиши зарур бўлган асосий тадбирлар таркиби:

ер ахборот тизимини рақамлаштиришни таъминловчи дастурий-техникавий мажмуаларни амалиётга татбиқ этиш;

ягона тамойил, шакл ва жараён асосида тармоқ кадастрларини ўзаро ҳамкорлигини ташкиллаштириш;

ахборотларни муҳофазалаш тизимини ишлаб чиқиш ва ташкиллаштириш, ахборотлар хафвсизлигини таъминлаш;

давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли ахборотлар базасини интеграциялаш йўли билан ЕАТни юритишни такомиллаштириш;

вилоят ер фонди ва маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ЕКАТ базасини яратиш;

хар бир туман (шаҳар) Кадастр агентлигида онлайн тизимида фойдаланиладиган ЕАТ асосида ягона электрон харитани яратиш ва жорий этиш.

Дастурни амалга оширишнинг асосий шароитларидан бири самарали ва унумли ишлаб турувчи, электрон дастур ва хариталарнинг мавжудлиги ҳисобланади. Ер ахборот тизимини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва уларнинг жойлардаги хизмат вакилликлари томонидан олиб бориш кўзда тутилади. Ер мунособатларини давлат томонидан тартибга солиш мақсадида ЕАТга оид ушбу Дастурни амалга ошириш учун қуйидаги ташкилий чоралар назарда тутилади:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва Давлат мулк қўмитаси ҳудудий органларининг моддий-

техника таъминотини мустаҳкамлаш, уларнинг давлат томонидан бошқарилишини таъминлаган тартибда: мамлакат ҳудудидаги ер участкаларида иш фаолиятини норматив-методик, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш, ер тузишни тартибли равишда бажариш;

туман (шаҳар) Кадастр агентлигининг хизматидаги штатларни соҳа мутахассисларни билан тўлиқ шакллантириш асосида моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ер ресурслари тўғрисида маълумотнинг умумий шаклланиши, ердан фойдаланувчи субъектларни умумий ер майдони ва ер контурлари бўйича тўлиқ маълумот билан таъминлашни амалга ошириш;

ЕАТ давлат томонидан бошқариш тартибида асосий эътибор ер участкаларини хусусийлаштиришдан иборат бўлмоғи лозим. Амалдаги қонунчилик ер кадастрини юритиш ва ер участкаларини тасарруф қилишни тўлиқ акс эттирмайди, шу сабабли ушбу йўналишларда муҳим ўзгартириш талаб этади. Қонунчилик ҳужжатлари асосидаги ер ресурсларини бошқариш тизими ердан фойдаланувчилар, инвесторлар ва бошқа иштрокчиларни ЕАТ билан қафолатлай олмайди.

Дастурнинг III босқичида 2028 – 2030 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган асосий тадбирлар қуйидагилардан иборат:

Дастурни амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда: Ер кодексини (янги таҳрирда), “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунини (янги таҳрирда); “Туман (шаҳар) Кадастр агентлиги таркибида ер кадастри хизмати тўғрисида” низоми ишлаб чиқиш. Бунда ер ресурслари иш тартибини ўрнатишни аниқлаш ва ер участкасини хусусийлаштириш;

ЕАТга оид илмий-тадқиқот ишларини қуйидаги йўналишларда олиб бориш назарда тутилган:

ЕАТни бошқаришнинг тараққий этиш қонуниятларини, ерга эгалик ва ердан фойдаланишга тўлов тамойиллари ва услубиятларини тадқиқ қилиш;

ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг янги шакллариغا ўтишда ерларни муҳофаза қилишнинг илмий асослари ва ЕАТ услубиятларини ишлаб чиқиш;

ЕАТни юритишда илмий, услубий, восита ва технология асосларини ишлаб чиқиш;

ЕАТни бошқаришга доир қонунчилик базасининг илмий асосларини такомиллаштириш;

рақамли ЕАТни ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш;

ер участкалари, МФЙ, туман(шаҳар), ҚҚР ва вилоятлар миқёсида босқичма-босқич ЕАТга оид илмий-амалий тадбирларни бажариш.

Ер ахборот тизими жараёнининг дастлабки босқичларидаги (1991 – 2006, 2007 –2016; 2017-2022 й.й.) тажрибалари ҳамда истиқболдаги (2030-йилгача) мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда нафақат меъёрий-ҳуқуқий таъминотни, балки вилоят миқёсида ЕАТни шакллантиришни таъсирчан механизмларини уйғун ҳолда ва ердан фойдаланишни ҳамда ер фондининг қайта тақсимотини мувофиқлаштириб борувчи барча тизимларни шакллантириш зарурияти мавжуд.

II боб бўйича хулоса

1. Тадқиқотлар натижасида Тошкент вилояти ер ахборот базасини шакллантиришда ер фонди маълумотлари ўзгариш динамикасига асосланиб, математик-статистика фанининг корреляцион-регрессион усулидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари ва sanoat, транспорт, алоқа, муҳофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар учун чизиқли функция кўринишида тенглама аниқланди. Ушбу функция ёрдамида қайд этилган ер фонди тоифалари майдонларини прогнозлаш жараёнини амалга ошириш мумкин.

2. Ер ахборот тизимини такомиллаштириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали учун қўшимча хизматлар сифатида туман ва давлат захира ерлари ахборот тизимини яратиш, хусусийлаштирилган ер участкалари ахборот тизимини яратиш, шунингдек муҳандислик иншоотлари химоя зоналари тўғрисидаги маълумотларни олиш бўйича хизматларни жорий қилиш афзалликлари асосланган.

3. Ер ахбороти кўрсаткичлари учун аниқланган миқдорий ўлчовлар замонавий компьютер технологияларидан ёки анъанавий геодезик асбоблардан фойдаланган ҳолда картометрик методлар ёрдамида амалга оширилади. Ер ахбороти кўрсаткичларига қайта ишлов бериш ва тартибга солиш вақтида статистик усул ҳозирги кунгача кенг қўлланилади.

III БОБ. ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ АХБОРОТЛАР ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

3.1. Ер кадастрини бирламчи ахборотлар манбаи ва объекти сифатидаги ер участкасининг хусусиятлари

Ҳозирги даврда республикада фаолият юритаётган ердан фойдаланувчиларга бириктирилган ер участкаларининг сони, ўлчамлари, моддий ва маданий ресурслар, миқдори муттасил ўзгаришга юз тутиши ишончли ҳамда шаффоф ер кадастри ахборотларини замонавий услубларда шакллантириб бориш эҳтиёжини туғдирмоқда. Ушбу мураккаб ва кўп мақсадли ахборотлар оқимини бошқаришни тақазо этмоқда. Шу нақтаи назардан ер кадастри ахборотларини шакллантиришни илмий-услубий асослашда креатив ёндашувларни талаб қилмоқда. Маълумки, ер участкаси давлат ер кадастрининг бирламчи ахборот манбаи ва объекти сифати унинг хусусиятларини тадқиқ қилиш заруриятини тақазо этади. Бунда албатта ер кадастри ахборотларини ишлаб чиқиш алгоритминини яратиш, тизимлаш, гурухлаш, таҳлил қилиш мазкур тадқиқотнинг моҳиятини белгилайди. Шу сабабли ер кадастрига оид ахборотларини ер участкаси даражасида ишончли, шаффоф ва тежамкор услубларда шакллантириш қонуниятларини тадқиқ

қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ер контури ер участкаси бўйича кадастр маълумотларини шакллантирувчи асосий объект эканлигини ҳам қайд этиш керак.

Қишлоқ хўжалик соҳасида фойдаланилаётган ер участкаларини шакллантириш ўзига ҳос хусусиятларга эга эканлиги ушбу жараёнга ўзгача услубда ёндашувни тақазо этади. Профессор Б.Ф.Султонов таъкидлашича “...мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, энг аввало ерга бўлган муносабатнинг тўғри ҳал этилишига... боғлиқ бўлади”.² Демак, ноқишлоқ хўжалик тармоқларидан фарқли ўлароқ, аграр соҳада ердан фойдаланиш нафақат макон ёки манзил сифатида эмас, балки соҳада муҳим асосий ишлаб чиқариш воситаси вазифасини бажарувчи омил сифатида тадқиқ қилишни тақазо этади. Бунда албатта қишлоқ хўжалигидаги ердан фойдаланувчи субъектлар таркибидаги ер участкалари тўғрисидаги ахборотлар аниқлиги ва шаффофлиги уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига баҳо бериш имкониятини яратади деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, давлат ер кадастр ахборотларини шакллантиришда энг қуйи поғона ҳисобланган ер контури ва ер участкаси даражасидан мамлакат миқёсигача бўлган поғоналарда тадқиқ этиши ушбу тизимдаги ахборотларни яратишда креатив ёндашувларни талаб қилади. Тадқиқотлар республикамиздаги барча ердан фойдаланувчилар, жумладан, қишлоқ хўжалигидаги субъектлар мисолида бажарилган. Маълумки, республикамизда ҳозирги даврда 6 млн.дан ортиқ ердан фойдаланувчиларга 7 млн.дан ортиқ ер участкалари бириктирилган. Ер участкаси, унинг чегараси, майдони ва бошқа ўлчамларидан қатъи назар, табиатнинг бир қисмидир. Шу боисдан ҳам ер кадастрини юритишга оид тадқиқотларда ер участкаси алоҳида аҳамиятга эга. Қуйидаги расмларда ер контури ва ер участкасини шакллантириш жараёнига таъсир қилувчи омиллар акс эттирилган (1, 2- расмлар).

² Б.Ф.Султонов “Қишлоқ хўжалигида мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” и.ф.д. (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: 2019., 11-бет



1-расм. Ер контурини шакллантириш омиллари (1-босқич).³



2-расм. Ер участкаси кадастр ҳужжатларини тафсифловчи омиллар (2-босқич)⁴

1-расм ёрдамида ер контурига таъриф бериш мумкин. Бунда ер контури деб чегараси, майдони, тартиб рақами ва ер турига эга бўлган муайян ер участкасининг бир бўлагига айтилади. 2-расм моҳиятига кўра ер участкаси деб ўзининг чегараси, манзили, ҳужжатлилиги, кадастр-кодли рақамлари мавжуд бўлган ер фондининг муайяннан қисмига айтилади.

Аммо, назарий ва услубий жихатдан ҳар икки тадқиқот объектининг таърифига асосан амалдаги ҳолатларда маълум камчиликлар кузатилади:

биринчидан, амалиётда ер контури асосан бир нечта ер турлари майдонини ўз ичига қамраб олган ҳолда шакллантирилади. Шу сабабли ер контурларини майдонини ҳисоблашда ноаниқликлар вужудга келиши кузатилади;

иккинчидан, ер участкаси худудидаги ер контурларининг ҳар бири бўйича 33 графадан иборат қайдномага тегишли устунлар бўйича майдонларни қайд этишда мураккабликлар келтириб чиқаради;

учинчидан, амалдаги майдонларни ер контурлари кесимидаги қайдномани расмийлаштиришда мутахассиснинг вақт сарфи ва ўлчов аниқлиғни юқори эмаслиги кузатилади.

³ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган


⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

тўртинчидан, ер контури чегарасидаги чизиқли элементлар алоҳида контур рақамига эга бўлмаслиги сабабли улар эгаллаган майдонлар чегарадош контурларга тақсимланган ҳолда қайдномани расмийлаштириш оқибатида аниқлик таъминланмайди.

Олиб борилган монографик тадқиқотлар натижасида ер контури бўйича майдонлар қайдномасини ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ва юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги услубни тадбиқ этиш тавсия этилади. Яъни, муайян фермер хўжалиги ер участкаси ҳудудида шакллантирилладиган ер контурлари улар банд қилган ер турига мос ҳолда тартиб рақамига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Натижада ер участкасининг умумий ва ер турлари бўйича ер ҳисоби аниқ, ҳаққоний ва шаффоф тарзда шакллантириш имконияти яратилади.

Ҳозирги даврда республика ҳудудида жойлашган ва фойдаланишдаги ер участкалари сони маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ўрта ҳисобда қуйидагича тақсимланган: ҚҚР, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида – 471.4 минг, туман(шаҳар)да – 24,9 минг, маҳалла фуқаролар йиғинларида - 0,8 минг.⁵ Ушбу кўрсаткичлар муайян маъмурий ҳудудий бирликлар бўйича ер ресурсларини бошқариш, ер тақсимоти ва қайта тақсимоти ҳамда ердан фойдаланишни назорат қилиш ишларини самарали олиб боришда фойдаланилади. Қуйидаги расмда республикамизда ер участкаларининг шакллантирилганлик ҳолати акс эттирилган (3-расм):

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисобланган



3-расм. Ер кадастри ахборотлар тизимида ер участкаларининг шакллантирилганлик ҳолати⁶

Юқоридаги расмда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъектларнинг сони ва шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ер участкаларининг миқдори ўз аксини топган.⁷

Навбатдаги расмда ер участкалари маълумотлари асосида ер кадастри ахборотлар оқими ва алмашув модели акс эттирилган (4-расм).

⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

⁷ “Кадастр агентлиги” қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан аниқланган



4-расм. Ер кадастри ахборот тизимида ер участкаларидан маълумотларни олиш ва алмашув модели⁸

Ушбу жараён 4-расмда акс эттирилгандек ҳар учта вертикал тизим асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бунда ҳар учта тизим бўйича ер участкалари тўғрисидаги ер кадастри маълумотларини ягона услуб асосида шакллантириш талаб қилинади. Акс ҳолда республика ер баланси ёки миллий ер ҳисобида ноаниқликлар кузатилиши тадқиқотлар давомида аниқланган.

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Масалан, маъмурий-худудий бирликлар кесимида, яъни ҚҚР, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича йиллик ер балансини тузишда туман (шаҳар)лар таркибидаги маҳалла фуқаролар йиғини ер кадастри маълумотлари асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги даврда амалиётда туман (шаҳар) ер баланси шартли равишда 2007 йилдаги собиқ ширкат хўжаликлари негизида шакллантирилган “массивлар” ер фондидан фойдаланиш кўрсаткичлари аниқланиб келинмоқда. Маълумки, “ер массивлари” юридик ёки жисмоний шахсларга бириктирилмаган туман (шаҳар) ер фондининг бир қисми ҳисобланади. Аммо, кадастр ҳужжатларидаги массив “Ер экспликацияси”да юридик мақомга эга бўлмаган ҳужжат саналади. “Массив”ларнинг чегараси, умумий, ер ва экин турларига оид майдонлар ҳам, ўз навбатида, ер кадастри ҳужжатларида кўрсатиб борилади. Аммо, ушбу кўрсаткичлари юридик мақомга эга эмаслиги, ҳужжатларни расмийлаштириш ва тақдим этишда уларни ишончилигига кафолат бермайди.

“Массив”лар чегара қамровида фаолият юритиб келаётган маҳалла фуқаролар йиғин (МФЙ) лари ер фондини шакллантиришда ҳам ноқулайликлар кузатилмоқда. Натижада айрим МФЙ лари ҳудудларининг умумий майдони ва ердан фойдаланувчилар сониди ҳам катта тафовутлар сезилмоқда. Шу сабабли амалдаги МФЙ лар ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий, бошқарув инфратузулмасини самарали ташкил этишда ва умуман, ер фонди тақсимоти, ҳудудларни ривожлантириш масалаларини ечишда ноқулайлик ва номутаносиблар кузатилмоқда. Булар, албатта, маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятига салбий таъсир этмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, ер участкалари тўғрисидаги маълумотларнинг биринчи вертикал тизимини шакллантиришда амалдаги МФЙ лари ер фондини оптимал шакллантириш масаласи ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу муаммонинг ўткирлиги шундаки, 2020 йил январь ойда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик палатаси томонидан Президентимиз

Ш.М. Мирзиёев ташаббуслари билан имзоланган “Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш” вазирлиги фаолияти самарадорлигига муайян даражада таъсир этаётгани кузатилмоқда. Демак, амалдаги биринчи вертикал тизим фаолиятини яхшилашнинг таъсирчан механизмларини яратишни тақазо этмоқда.

Навбатдаги вертикал тизим республика ер фондини шартли равишда ер тоифаларига тақсимлаш жараёнлари оқибатида шакллантириш натижасида намоён бўлиши кузатилади. Маълумки, республика ер фондидан Ер кодексининг 8-моддасига кўра, 8 та ер тоифасига тақсимланган ҳолда фойдаланиб келинади. Бунда ҳар бир ер тоифаси унга бириктирилган ер фондининг майдони билан чегараланади. Жамиятда рўй бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар негизида ягона давлат ер фондининг тармоқлари ва тармоқ ичидаги тақсимот динамикасига ўз таъсирини ўтказиш қонуниятлари тадқиқотлар натижасида аниқланган.

Бунда, албатта, иқтисодиёт тармоқларининг маълум ер майдонларига бўлган эҳтиёжи, ишлаб чиқариш кучлари диверсификациялари, инвестициялар ҳажмини ортиб бориши, агрокластер, эркин иқтисодий зоналар, туман (шаҳар) лар ҳудудида ташкил этилаётган кичик иқтисодий зоналар, қишлоқ хўжалик соҳасида барпо этилаётган кооперативлар ва бошқа замонавий бирлашма, уюшма, қўшма корхоналарни тузиш билан боғлиқ бўлган ер тақсимоли масалалари ҳам муайян даражада ер тоифалари таркиби диверсификацияланишини тақазо этмоқда.

Ер тоифалари бўйича ер фондини шакллантириш жараёни ҳам динамик, яъни ўзгарувчан хусусиятга эга эканлигини мустақиллик йилларида 8 та ер тоифалари майдонларининг ўзгарувчанлиги мисолида кузатиш мумкин. Маълумотларнинг ўзгарувчанлигига муайян ижтимоий-иқтисодий шароитлар, ҳукумат қарорлари, ислоҳотлар таъсир этмоқда, шу жумладан иқтисодий тармоқларни диверсификациялаш, ер тоифалари ва тармоқ ичида ер тақсимолидаги ўзгаришларда кузатилмоқда. Албатта, ушбу жараёнларга

амалдаги ва барпо этилаётган ер участкалари сони ҳамда улар таркибидаги ер турлари майдонлари салмоғи ҳам ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Ер тоифаларидаги таркибий ўзгаришлар, албатта, уларнинг таркибидаги маълум ердан фойдаланувчи субъектлар таркибига ва уларга бириктирилган ер участкаларини шакллантириш шартлари, омиллари ҳамда мезонларига ўз таъсирини ўтказиши тадқиқотлар давомида аниқланган. Масалан, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжалиги ёки маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида маълум ер тоифасига тегишли майдон бошқа ер тоифаси таркибига ўтказилганда, албатта, муайян ер участкасида чегара ёки майдон ўзгариши юз беради.

Бу, ўз навбатида, ер участкасида ердан фойдаланиш ихтисослиги, идоравий мансублиги, ердан фойдаланувчи субъект фаолиятларидаги ўзгаришлар оқибатида ундан фойдаланиш мақсади ҳам ўзгача белгиланиши кузатилади. Хулоса ўрнида шуни қайд этиш ўринлики, ер тоифаларидаги ҳар бир майдон ўзгариши бошқа тоифалар умумий майдонига ва чегарасидаги ўзгаришларга сабаб бўлади. Албатта бу жараён ер участкаларининг сони, майдони, чегараси ва ҳуқуқий мақомларига ўз таъсирини ўтказади.

Ҳар бир ер тоифаси таркибидаги ердан фойдаланувчи субъектлар майдонлари ҳамда захира ер фонди таркибидаги ер участкалари майдонларини ҳам инобатга олган ҳолда шакллантирилиши назарда тутилса, ушбу ер тоифасининг жами майдонини аниқлаш мумкинлигини эътироф этиш мумкин. Демак, ер тоифалари ер фондини республика бўйича шакллантиришда уларга бириктирилган ер участкаларининг сони, майдони, чегараси, фойдаланиш мақсади каби омиллар муҳим ўрин тутаяди.

Ушбу омилларни эътиборга олган ҳолда фикр юритилса, ердан фойдаланишни бошқариш, назорат қилиш, тармоқ ичидаги майдонларнинг қайта тақсимооти масалалари оптимал ечимини аниқлашда ер тоифаси таркибидаги ер турларининг майдонлар бўйича салмоғини белгилаш ердан фойдаланувчиларнинг идоравий мансублиги ва мақсад йўналишларини

Белгилашда учинчи вертикал тизим бўйича ер кадстри хужжатлари муҳим ўрин тутиши эътироф этилади.

Идоравий бошқарув таркибида ҳуқуқ-тартибот органларининг функцияси ҳам алоҳида ўрин тутди. Албатта бунда ердан фойдаланувчи субъектларнинг фаолияти уларга бириктирилган ер участкалари майдонларидан мақсадли, самарали, тўлиқ ва оқилона фойдаланиш масалаларига қонун ва меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда акс эттирилган талаблар доирасида олиб бориладиган назорат фаолиятлари назарда тутилади.

Юқорида қайд этилган вертикал учта тизим негизида алоҳида олинган ер участкасидан олинган ер кадастрининг таркибий қисмларига мос бўлган ахборотлар тўплами, уларнинг аниқлиги, ҳаққонийлиги, шаффофлиги ва кўргазмалик даражаси муҳим ўрин тутди. Ҳар битта ер участкаси бевосита ва билвосита фойдаланиладиган ер майдонларига бўлинади. Айрим ер участкалари ҳудудида ўзга ердан фойдаланувчилар ҳам фаолият юритиши кузатилади. Тадқиқотлар давомида Республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ер участкалари таркибида 2 млн. 500 мингдан зиёд ер контурлари мавжудлиги аниқланган.

Қуйидаги расмда ер участкасидаги бевосита ва билвосита фойдаланишдаги ер турлари ҳамда ўзга ердан фойдаланувчилар тизими кўрсатилган (5-расм).



5-расм. Ер участкаси ҳудудидаги кадастр ахборотларини шакллантириш омиллари⁹

Юқоридаги 5-расмда акс эттирилган тизимга асосан, ер участкасининг умумий майдони қуйидаги формула ёрдамида аниқланишини кўриш мумкин (1-формула):

$$M_{ey} = \sum_{ek=1}^n M_{ek} + \sum_{ye\phi c=1}^m M_{ye\phi c} \quad (1)^{10}$$

Бунда:

M_{ey} – ер участкасининг умумий ер майдони, га;

$\sum_{ek=1}^n M_{ek}$ – ер контурлари умумий ер майдони, га;

$\sum_{ye\phi c=1}^m M_{ye\phi c}$ – тадқиқ қилинаётган ер участкасидаги ўзга ердан

фойдаланувчи субъектларга тегишли ер майдонлари, га.

Ўз навбатида ер участкаси таркибидаги ер контурларини 3 та шартли гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ, бевосита фермер хўжалиги ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадидаги банд қилинган ер контурлари, иккинчи гуруҳ, бевосита фойдаланиладиган ерларга хизмат кўрсатиш мақсадларидаги объект эгаллаган ер контурлари ҳисобланади. Учинчи гуруҳга эса айрим ҳолларда фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган ўзга ердан фойдаланувчи субъектлар ер участкаларининг ер контурлари назарда тутилади. Муайян олинган фермер хўжалиги ер фонди майдони ($\sum_{EK=1}^n M_{ek}$) қуйидаги тенгликда ўз ифодасини топади:

$$\sum_{EK=1}^n M_{ek} = \sum_{EK=1}^n M_{б.ф.ек} + \sum_{EK=1}^n M_{бил.ф.ек} \quad (2)^{11}$$

Бунда,

$\sum_{EK=1}^n M_{ek}$ - фермер хўжалиги умумий ер фонди, га

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

¹⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

¹¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

$\sum_{EK=1}^n M_{б.ф.ек}$ - фермер хўжалиги томонидан бевосита фойдаланиладиган ер контурларининг умумий майдони, га;

$\sum_{EK=1}^n M_{бил.ф.ек}$ - фермер хўжалиги томонидан билвосита фойдаланиладиган ер контурларининг умумий майдони, га.

Бизга маълумки, амалда фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъект(ЕФС)ларга бир ёки бир нечта ер участкалари бириктирилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ЕФСнинг умумий майдони унинг тасарруфидаги ер участкалари майдонига тенг деб ҳисобланади. Яъни, қуйидаги тенглик асосида ҳисобланади:

$$M_{ЕФС} = \sum_{e,y=1}^n M_{e,y} \quad (3)^{12}$$

Бунда,

$M_{ЕФС}$ - муайян ЕФСнинг жами ер майдонлари, га

$\sum_{e,y=1}^n M_{e,y}$ - ЕФС тасарруфидаги ер участкалари майдонлари йиғиндиси, га.

Ҳар битта маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони ўз навбатида унинг ҳудудида жойлашган ер участкалари майдонларидан таркиб топган ҳолда аниқланади.

Қуйидаги формула ёрдамида аниқланадиган ер майдони 4та гуруҳдан иборат ер участкаларини қамраб олиши мумкин:

$$M_{мфй} = M_{ефс} + M_{тзе} + M_{йефс} + M_{дзе} \quad (4)^{13}$$

Бунда:

$M_{мфй}$ – маҳалла фуқаролар йиғини майдони, га

$M_{ефс}$ – ердан фойдаланувчи субъект майдони, га;

$M_{тзе}$ – туман захира ер фонди,га;

$M_{дзе}$ – давлат захира ерлари, га.

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

¹³ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Тадқиқотлар жараёнида маълум бўлдики, муайян маъмурий туман ҳудуди маҳалла фуқаролар йиғини(МФЙ)ларига тақсимланган ҳолда фойдаланиб келинади. Шу нуқтаи назардан олганда, туман ер фонди миқдори унинг тасарруфидаги МФЙлар майдонига тенгдир. Демак, туман ер фонди умумий майдонини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш тавсия этилади:

$$M_{т.е.ф} = \sum_{МФЙ=1}^n M_{МФЙ} \quad (5)^{14}$$

Бунда,

$M_{т.е.ф}$ - туман ер фонди майдони, га

$\sum_{МФЙ=1}^n M_{МФЙ}$ - туман тасарруфидаги МФЙлар майдонлари йиғиндиси, га.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, муайян туман ҳудудида албатта бир ёки бир нечта ўзга ЕФСлар фаолият юритиши кузатилади. Масалан, улар ўзга туман, шаҳар ёхуд республика бойсунувидаги идора ёки ташкилотлар бойсунувидаги ЕФСлар бўлиши мумкин. Бунда юқоридаги формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$M_{т.е.ф} = \sum_{МФЙ=1}^n M_{МФЙ} + \sum_{ў.е.ф=1}^n M_{ў.е.ф} \quad (6)^{15}$$

Бунда,

$\sum_{МФЙ=1}^n M_{МФЙ}$ - туманга нисбатан ўзга ердан фойдаланувчилар майдонлари йиғиндиси, га

$\sum_{ў.е.ф=1}^n M_{ў.е.ф}$ - туман бошқарув ҳокимияти тасарруфига оид бўлмаган ЕФСлар майдонлари йиғиндиси, га.

Айрим ҳолларда ЕФС ва МФЙ туман ер фонди таркибига ўзга ҳудудларда жойлашган ер участкалари майдонларини қўшиш мумкин бўлади. Бунга мисол, Фарғона вилояти ер фонди таркибига Сўх тумани ер фонди ёки бир туманда давлат рўйхатидан ўтган ЕФСнинг бошқа туман ёки вилоятда фаолиёт юритаётган бўлими(филиали) эгаллаган ер участкаси бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, вилоят ер фонди майдонини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

¹⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

¹⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

$$M_{\text{вил.}} = \sum_{\text{т.е.ф}=1}^n M_{\text{т.е.ф}} + \sum_{\text{ш.е.ф}=1}^n M_{\text{ш.е.ф}} \quad (7)^{16}$$

Бунда,

$M_{\text{вил.}}$ - вилоятнинг умумий ер майдони, га

$\sum_{\text{ш.е.ф}=1}^n M_{\text{ш.е.ф}} \sum_{\text{т.е.ф}=1}^n M_{\text{т.е.ф}}$ - туманлар ер майдонлари, га

- шаҳарлар ер майдонлари, га.

Алоҳида олинган ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг умумий ер фонди ҳам юқоридаги тенгликлар сифатида аниқлаш мумкин. Ўз навбатида республика ер фондининг умумий майдони ҚҚР, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар ер фондлари миқдорига тенг деб ҳисобланади. Ушбу тенглик қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_{\text{р.е.ф}} = M_{\text{ҚҚР}} + \sum_{\text{вил.е.ф}=1}^{12} M_{\text{вил.е.ф}} + M_{\text{Тош.ш.е.ф}} \quad (8)^{17}$$

Бунда,

$M_{\text{р.е.ф}}$ – республика ер фонди умумий майдони, га

$\sum_{\text{вил.е.ф}}^{12} M_{\text{вил.е.ф}}$ – 12 та вилоят таркибидаги ер фонди майдонлари, га

$M_{\text{Тош.ш.е.ф}}$ – Тошкент шаҳар ер фонди, га

Албатта, бунда республика ер фондини таркибига Фарғона вилояти тасарруфидаги Сўх ва Шохимардон ҳудудидаги ер майдонларини ҳам ер ҳисоботи ҳужжатларида ўз аксини топганини қайд этиш зарур. Республика ер балансини шакллантиришда қуйидаги ахборотлар тизими алгоритмининг тадбиқ этиш тавсия этилади: ер контури (айрим ҳолатларда кичик ер контурлари мавжудлиги кузатилади) кесимида; ер участкасига оид ахборотлар (бирламчи ҳужжатлаштирилган ер кадастри ахборотлар портфели); ердан фойдаланувчилар даражасида; маҳалла фуқаролар йиғини ер баланси; туман (шаҳар) ер баланси; ҚҚР, 12та вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича ер баланси

¹⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган


¹⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

хужжатларида акс эттирилган ер кадастри ахборотлар жамланмаси; республика ер баланси ва унинг асосида ишлаб чиқилган ер ҳисоботи.

Қуйидаги расмларда муаллиф иштирокида ишлаб чиқилган “Ҳеравтобанк” электрон дастурнинг умумий кўриниши акс эттирилган (6-расм).

AXMda mavjud obektlar

Yerdan foydalanuvchi sub'jekt to'g'risida ma'lumotlar

Bog'zor	1	Sug'oriladigan	0	Tashkil topgan vaqti	06.06.1975	Ob'ekt nomi	Yer uchastkasi	Satrlar:	24
Uzumzor	1	Sug'oriladigan	0	Mulkdor		Kadastr raqami	22.22.22.22.2210	Tuman	Sharof Rashidov
Tutzor	1	Sug'oriladigan	1	Maxsudov B.Yu.		Oila soni	1	Yo'nalish	Chorvachilik
Mevali ko'chtzor...	1	Sug'oriladigan	0						
Daraxtzorlar jami	4	Sug'oriladigan	1						
Ekin jami	4	Sug'oriladigan	0						
Bo'z yerlar jami	1	Sug'oriladigan	0						
Pichanzor jami	0	Sug'oriladigan	0						
Yaylov jami	1	Suv b'ni ta'minl.	0						
Q.X. yer turlari	10	Sug'oriladigan	1						
Imorat yeri	2	Sug'oriladigan	5						
Ekin yeri:	2	Tomarqa yeri	9						
Ihota daraxtzorlar	2	Sug'oriladigan	2						
Terakzor	2	Sug'oriladigan	10						
Jami o'rmon	4	Sug'oriladigan	12						
Daryo va soylar	2	Ko'llar	1						
Suv ombor va havzali	3	Kanal, kollektor	2						
Suv ostidagi yerlar	8								
Yo'l, so'g'moq va chor	10	Butazor	6						
Ijtimoiy hovli, ko'cha v	0	Ijtimoiy binolar	0						
QX'da foydalanilmaydi	3	Meliorativ yerlar	10						
Jami Q.X. da foydalanilmaydigan yerlar	27								
Umumiy yer maydoni	53								
Sug'oriladigan umumiy yer maydoni	26								

6-расм. Ер участкасида ер кадастри ахборот базасини яратишга оид электрон дастурнинг умумий кўриниши¹⁸

¹⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган



7-расм. Ер участкалари бўйича маълумотларни яратишга оид электрон дастурнинг умумий кўриниши¹⁹

Албатта, юқорида қайд этилган ер кадастри ахборотлар занжирини мукамал шакллантириш ишлари замонавий махсус электрон дастурлар ёрдамида бажарилади.

XXI аср – ахборотлар асри деб аталиши бежиз эмас. Бошқа соҳалар каби ер кадастри ҳужжатларини юритиш ва расмийлаштириш, улардан истеъмолчилар тезкор услубларда фойдаланишларида ҳам рақамли инновацион технологияларнинг ўрни беқиёслиги кузатилмоқда. Ушбу жараён сўнгги 6 йил инқилобий ўзгаришларга юз тутганини қуйидаги ҳужжатлар тизимида кузатиш мумкин: агар ер участкасининг кадастр ҳужжатлари ҳажми 2017 йилда 15 – 20 вароқдан иборат бўлган бўлса, 2018 йилда уни бир вароққа жойлаштириш имконияти яратилди. 2019 йилда эса QR код у электрон калит тизимига ўтилгани, 2020 йилдан электрон карточка кўринишига эга бўлмоқда (12-расм). Ушбу расмдан кўринадикки сўнгги уч йилда ер кадастри ҳужжатларининг ҳажми 10-15 баробарга қисқариши кузатилади. Аммо, ер участкаси тўғрисидаги кадастр маълумотларини замонавий шаклларда

¹⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

расмийлаштириш ишлари электрон кўринишда сақлаб қолганини таъминлаш зарур бўлади. Акс ҳолда ахборотлардан фойдаланувчиларда эътирозли ҳолатлар кузатилиши мумкин бўлади.




8 -расм. Кадастр хизматлари ва ер участкаси ҳужжатларини соддалаштириш²⁰

Албатта, ер участкасида шакллантирилладиган ер кадастри ҳужжати қайси шаклда расмийлаштирилишидан қатъи назар уни тавсифловчи кўрсаткичлар ҳаққоний бўлиши талаб қилинади.

Сифатли ва ишончли ахборотлар 10-расмда келтирилган истеъмолчиларга энг замонавий инновацион технологияларни қўллаган ҳолда тезкор услубларда етказилиши ташкил қилинади.

Ер участкаси маълумотларидан фойдаланиш кўлами: ер кадастри ҳужжатлари сифатини оширишда; оптимал ер тақсимоли масалаларини ечишда; ер муносабатларини тартибга солишда; ер солиғи миқдорини адолатли белгилашда; ердан фойдаланишдаги низоларни бартараф қилишда; маълумотларни тезкор услубларда истеъмолчиларга етказишда ва бошқа эҳтиёжларни қондириш жараёнида тобора ошиб бормоқда. Қайд этилган алгоритм асосида ер кадастри ахборотлари рамзий маънода қуйидаги кўринишдаги қишлоқ хўжалик ерлари кесимида ҳаракатланиш занжирини кузатиш мумкин (9-расм).

²⁰ "Кадастр агентлиги" қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган



9-расм. Ер кадастри ахборот базасини шакллантириш занжири²¹

²¹Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

9-расмдан кўринадаки, республика даражасида шакллантириладиган “Ер баланси” ва “Миллий ер ҳисоби”ни ишлаб чиқаришда муайян олинган ер контури ва ер участкаси учун олинган маълумотлар бирламчи манбаи ҳисобланади. Ҳозирги даврда республикада амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар жумладан, ер муносабатларини тартибга солиш бўйича тадбирларни ҳаётга изчил тадбиқ қилиш натижасида рақамли ер кадастри ҳужжатларини, ҳам тезкор услубларини онлайн тарзда расмийлаштириб бориш заруриятини туғдирмоқда. Масалан 2022 йил давомида республика қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер фонди ҳисобидан 100 минг гектар суғориладиган ер майдонлари 85 минг “темир дафтар”да рўйхатга олинган фуқаро ва оилаларга 10 йил муддатга фойдаланиш мақсадида ажратиб берилди. Ушбу жарайонда ер ажратишга оид расмийлаштирилган ер кадастр ҳужжатлари оддий шартнома кўринишида тақдим қилинган. Ер қонунчилиги талабларига кўра фойдаланиш мақсади, ер майдони ўлчамлари ёки ер туридан қатъий назар муайян ердан фойдаланувчи учун ажратилган ер участкасига тегишли тартибда ер кадастри ҳужжати расмийлаштирилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Таҳлиллар асосида аниқланишича 1989-1992 йиллар давомида аҳолини томорқа ер майдонларига бўлган ўткир эҳтиёжи сабаб 450 минг гектар ҳайдалма ер майдонлари дала томорқа сифатида тегишли кадастр ҳужжатлари асосида ажратиб берилган. Афсуски, қайд этилган майдонни 80% қисми ҳозирги давга келиб қишлоқлар майдони таркибида эканлиги аниқланган. Шунини алоҳида қайд этиш зарурки, ер кадастри ҳужжатларида қайд этилишича дала томорқа ерларида капитал қурилиш объектиларини барпо этиш тақиқланганлигига қарамасдан қурилишлар амалга оширилган.

Қуйидаги расмда ер участкалари асосида шаклланган ер кадастри ахборотларининг асосий истеъмолчилари қайд этилган (10-расм):



10-расм. Ер участкалари асосида шаклланган ер кадастри ахборотларининг истеъмолчилари²²

Ҳар қандай ер участкаси кадастр рақамларига эга бўлиб, ундаги ер кадастри ахборотларини тезкор услубларда олишни тақазо этмоқда. Демак, республика миқёсида ягона ер фонди муайян олинган маъмурий-худудий бирликлар таркибида фаолият юритилаётган ердан фойдаланувчи субъектлар тасарруфидаги ер участкалари даражасида шакллантирилиши ер кадастри ахборотларини бирламчи манбаи сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ. Белгиланган вазифа ва мақсадлар асосида, ер ҳисоби натижаларидан фойдаланиш турлича таҳлилий хулосаларга манба бўлиб хизмат қилади. Ер ҳисоби натижалари асосида давлат миқёсидаги ёки маълум иқтисодиёт тармоғи бўйича тадбирлар сифатида тадбиқ қилиниши мумкин. Бунда ер баланси маълумотларини таҳлил қилиш услублари ер кадастри ҳисобот

²² Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

хужжатлари тегишли Кадастр агентлиги хизмат органларида ишлаб чиқиш белгиланган.

Ер ҳисобининг объекти давлат ер фонди бўлиб, уни қайси юридик ёки жисмоний шахс ихтиёрига бириктирилгани ёки фойдаланиш мақсадидан катъий назар, муайян ер тоифаси таркибига кирган ер участкалари ҳисобланади. Демак, ягона давлат ер фондига тегишли барча ер тоифаларида юритиладиган ер ҳисоби ишлари уларга тегишли муайян ер участкаларида ўтказилиши шарт. Бундай услубий ёндашув, ўз навбатида ер участкаси бўйича асосий ва жорий ер ҳисоби маълумотларини шакллантирилишни тақазо қилади.

Ер участкаси ҳудудида ер ҳисобини юритиш ишлари доимий амалда ошириладиган жараёндир. Ушбу тизим ер ҳисоби ахборотларини замон талаби даражасида юритиб боришни таъминлайди. Демак, мазкур тартиб ер ҳолати ва ундан фойдаланишдаги миқдорий ва сифат ўзгаришларни ўз вақтида тегишли кадастр ҳужжатларда қайд этиб бориш заруриятини тақазо этади.

Маълумки, ер ҳисоби ҳужжатларини юритиш юқори аниқликни ва маълум услубларга риоя этишни талаб этади. Ер ҳисобини юритиш ер участкалари ҳудудидаги кўчмас мулк объектларини, жумладан, бино ва иншоотлар, кўп йиллик дарахтзор ҳамда бошқа ер ва экин турлари кесимидаги ўлчов натижаларининг контурлар кесимидаги майдонлар қайдномаси ва электрон хариталарда акс эттиришни талаб қилади. Шу сабабли ер ҳисобини бажаришда кам меҳнат ва харажат талаб этадиган ишончли маълумотларни яратиш, уларни қайта ишлаш бўйича дастур ва техник воситалардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш зарур. Замонавий электрон дастур ва хариталар, тасвирга олиш ҳамда кузатув- дала тадқиқотларини олиб боришда такомиллашган креатив услубларни жорий қилиш ягона ер фонди ҳисобини ишончли, юқори сифатда бажариш имконини беради. Бу тадбирлар, ўз навбатида, рақамли ер кадастри ишларини самарали ва муваффақиятли юритишга асос яратади.

Ер кадастрини ахборот тизими таркибидаги ер баҳолаш ишларида тупроқнинг сифат ҳолати тупроқ-дала тадқиқот ишлари натижалари ва хўжалик тупроқ харитасини изоҳловчи жадваллар асосида маълумотлар олинади. Ер баҳолаш ишлари ер кадастрининг иккичи таркибий қисми бўлиб, ўз ичига кичик гуруҳлар таркибидаги маълумотларни қамраб олади. Ер баҳолаш ишларини амалга оширилиши унинг турларига бўлган тартиб-қоидалар ва хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Кўчмас мулк объектларига оид маълумотлар ер участкаси ҳудудидаги бино ва иншоот объектлари ва кўп йиллик дарахтзор майдонлари бўйича йиғилади ва тартибга солинади. Ер кадастри ахборот тизими тўғрисидаги техник-иқтисодий кўрсаткичлар блокида ердан фойдаланувчи субъектлар тасарруфидаги ер участкалари жойлашувини тавсифловчи, ҳамда уларга тегишли тўлиқ ахборотларни шакллантиришни талаб этади. Ушбу маълумотлар ердан фойдаланувчи субъектларни истиқболдаги фаолиятига асқотадиган ер ахборотларини такомиллаштиришда техник-иқтисодий ривожланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Ҳозирги давда ер баҳолаш ишлари 4та турга бўлинган ҳолда амалга оширилмоқда, яъни, қишлоқ хўжалик ерларини табиий унумдорлиги ва норматив баҳолаш, ерни аукцион баҳоси ва ноқишлоқ хўжалик соҳалари ерларини хусусийлаштириш баҳолаш турларига бўлинган ҳолда амалга оширилади. Биз томондан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, маъмурий туман ёки шаҳар даражасида шакллантириладиган ер кадастри ахборот тизими айнан муайян ер участкасига оид кўрсаткичларни аниқлашга асосланиши керак. Демак, ер кадастри ахборот тизимини талаб даражасида такомиллаштириш учун туман кадастр агентлиги хизматида марказий ахборот тизимини ташкил қилиш энг долзарб ечимлардан бири ҳисобланади.

Маъмурий туман(шаҳар) миқёсида ер участкаси даражасида шакллантириладиган ер кадастри ахборот тизимини ишлаб чиқиш, йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш, уларга ишлов бериш, сақлаш ва янгилашни

таъминловчи дастурий таъминот воситасидан фойдаланиш ишларини қамраб олади.

Маълумки, республикада мавжуд ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш бўйича инновацион технологиялар кенг жорий этилмоқда. Натижада, ер участкалари тўғрисидаги кўп мақсадли ва шаффоф ахборотларни маҳаллий ҳудудий бирликлар қамровида яратиш ва уларни амалиётда тадбиқ қилиш эҳтиёжини талаб қилмоқда. Бунда, ер кадастри маълумотларини ишлаб чиқишда туман кадастр хизмати таянч ахборот маркази сифатида фаолиятини такомиллаштиришни тақазо этади.

3.2. Ер кадастри ахборотларини яратишнинг илмий асослари ва такомиллашган услублари.

Амалиётда ер кадастри ҳужжатларини шакллантириш натижасида янги ердан фойдаланувчилар таркиб топади ёки мавжудлари тартибга солинади, ер участкасининг чегаралари жойида белгиланади. Вилоят, туман ва шаҳар кадастр хизматлари ҳудуд бўйича ер участкалари қамровидаги бино ва иншоотлар майдонлари чегараларини ҳам жойида белгилайдилар. Масалан, амалдаги Ер кодексининг 31-моддасида ер участкасининг чегаралари белгиланиб, плани ва тавсифлари тузилиб, давлат рўйхатида олинганидан кейингина ундан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келади.

Ер кадастрини юритишга оид ваколатли давлат органлари қонун ва меърий ҳужжатларда белгиланган тартибда ер участкасига тегишли бўлган кадастр рақами, чегараси, манзили, ажратилган майдони ва ҳуқуқий мақомига эга бўлган шахсларга юридик жиҳатдан бириктирилади. Ер участкасининг тавсифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 169-моддасида ўз ифодасини топган. Унда, ер участкаси чегаралари ер қонунчилигида белгиланган тартибда ўрнатиш ва далолатнома асосида расмийлаштириш кўзда тутилган.

Ер участкаси ҳудудини шакллантиришга оид айрим шарт ва талаблар Ер кодекси моддаларида ўз аксини топган. Жумладан, ер участкасини шакллантириш бўйича ишларни амалга ошириш чегара белгиларини

жойлаштириш лойиҳаларини тайёрлаш, жойларда уларни тегишли тартибда ўрнатиш ва бошқа ҳаракатлар ҳамда ҳужжатларни расмийлаштиришни тақазо қилади. Ер участкасида кадастр рақамларини шакллантириш уни ҳудудидаги кўчмас мулк объектларини жойлаштириш ва чегараларини туман навбатчи электрон харитада қайд этилгандан сўнг бошланади. Ер участкаси чегарасидаги ўзгаришлар ва янги барпо этилаётган участкалар ҳужжатларини расмийлаштириш мақсадида майдонларни тақсимлаш ёки уни бошқа ер участкалари таркибига қўшиш каби ҳаракатларни амалга ошириш ишлари белгиланган тартибда ўтказилади.

Ердан фойдаланиш жараёнида сервитутларни белгилаш ва ер сервитутларига амал қилинадиган майдонларнинг жойдаги чегараларни белгилаш ҳам муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаларида чегара белгиларини ўрнатиш тавсия этилади:

жойнинг ўзида аҳоли пунктлари (овул, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини , шаҳар) чегараларини белгилаш;

ер тузишни туман(шаҳар)лар ёки ердан фойдаланувчилар тасарруфидаги ер участкаларни ихтисослик бўйича гуруҳлаш асосида чегараларини ер кадастр ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

ер тузиш лойиҳаларида туман (шаҳар)лар ҳудудига тегишли бўлмаган ер участкалари чегараларини ўзгартиришни жойнинг ўзида белгилаш;

ер тузиш лойиҳа ечимларига асосан жойнинг ўзида ер эгаси, ердан фойдаланувчилар, ижарачи ёки мулкдорлар кесимида белгиланган тартиб ва далолатнома асосида вакиллар гувоҳлигида ер участкаси чегара белгиларини давлат стандартлари асосида ўрнатиш ишларини бажариш.

Истиқбол учун мўлжалланган ер тузиш лойиҳасида туман,шаҳар ва вилоятнинг ер тузиш чизмаларида объектнинг чегара белгиларини ўрнатиш тадбирлари бажарилиши мумкин. Ер тузиш лойиҳасини фақат муайян ер участкаси учун эмас,балки унинг натижаси ўлароқ ер кадастри ҳужжати деб тушуниш керак.

Ер тузиш лойиҳалари тегишли ердан фойдаланувчи субъектлар вакиллари гувоҳлигида ва кадастр агентлигимутаҳассиси томонидан белгиланган намунада чегара белгилари кўрсатилган жойнинг ўзида ўрнатилади. Белгиланган тартибда ер тузиш лойиҳасида қайд этилган чегара белгилари жойнинг ўзига геодезик асбоблар ёрдамида кўчириш тавсия этилади. Ер тузиш лойиҳасини жойга кўчиришда ер участкасининг эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи вакилларидадан иборат ишчи гуруҳ қатнашади. Чегара белгилари ўрнатилгандан сўнг белгиланган тартибда далолатнома тузилади, чегараларнинг плани илова қилинган ҳолда расмийлаштирилади ва натижаси ер кадастри ҳужжатлар жилдида қайд қилинади.

Жорий ер ҳисоби ер участкаси ва контурлар майдонларининг чегаралари, манзили, жойлашган ўрни ва шакли ҳамда фойдаланиш хусусиятларига кўра ўзгаришлар кузатилганда, даврий равишда амалга оширилади. Ушбу жараёнда жойнинг план-хариталари белгиланган тегишли масштабларда тавсилотларни ўзгаришини инобатга олиш асосида тузиш зарур бўлади. Ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича белгиланган чегараларда эгалик қилиш ҳамда фойдаланишни амалга ошириш мақомига эга. Ер участкасини фойдаланувчига ер кадастри ҳужжатлари асосида берилганда қуйидагилардан иборат ахборотлар тақдим этадилар: ер участкасидан фойдаланиш мақсади; ер участкаси манзили; лойиҳа бўйича чегаралари; муҳандислик иншоотлари ва ижтимоий инфратузилма объектлари.

Шаҳар, шаҳарча ва шаҳар типигаги посёлкалар чегара қамровида жойлашган қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга солиқ қиймати белгиланган ставкаларнинг икки баробари миқдорида ундириш мақсадга мувофиқ. Ердан фойдаланувчи ўзига бириктирилган ер участкасида ўрнатилган чегара белгиларини сақлаши ва уларни ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш керак бўлади. Ер участкаси чегараларини жойнинг ўзида аниқлаш ва ўрнатиш ҳамда электрон харитада қайд қилиш уни бериш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар бажарилади. Ер участкасининг планига мос ҳолда жойнинг ўзида

чегараларини белгилаш ишлари бажарилади ва тегишли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Муайян ер участкаси планини яратиш, жойда чегара белгиларини ўрнатиш ишлари, ер участкасини олувчининг маблағларидан қоплаш мақсадга мувофиқ. Ушбу ёндошув ер участкаларини хусусийлаштириш шароитида мақбул ечим ҳисобланади. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги давлат гувоҳномасида чегара плани илова қилинади. Планда қуйидагиларни қайд этиш керак бўлади:

чегараларнинг бурилиш нуқтаси, тартиб рақами, узунлиги;

гидрография тармоқлари элементлари;

ер участкаси чегараси ҳисобланган чизиқли объектлар;

ер участкасининг чегараси қамровидаги ўзга ердан фойдаланувчилар;

ер участкаси кадастр рақамлари;

ердан фойдаланиш чекланган ёки алоҳида фойдаланиш тартиби ўрнатилган майдонлар чегараси ҳамда ер контурлари тартиб рақамлари;

ер сервитути шартномаларида қайд этилган майдонлар чегараси;

ер участкаси план масштабини ер участкасининг майдони ва шаклидан келиб чиққан ҳолда чегаралар бурилиш нуқталарини кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда танлаш лозим. План икки нусхада тайёрланади, унинг асл нусхаси рўйхатга олинган идора архивида сақланади. Гувоҳнома маълумотлари электрон дастурда шартли белгиларга риоя этилган ҳолда ёзилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар ер майдонлари ер тузиш лойиҳаси асосида ташкил қилинади. Ер тузиш ишларини бажараётганда ер участкаси чегараланади ва ер турлари кесимидаги ер контурлари рақамланган ҳолда шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 32-моддасида, ер участкаси ажратиб берилганда бу участка чегараси натура ҳолида (жойнинг ўзида) аниқланиб, ўзга участкалардан марза ва бошқа хил чегара белгилари билан ажратиб қўйилади, деб кўрсатилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

етиштирувчи субъектларга ер участкасини ажратиш хўжалик фаолиятига қулай чегара ва шароитларда амалга оширилади.

Шуни инобатга олиш лозимки, Ўзбекистонда давлат чегараси, асосан йирик ва кичик дарёлар, сой ва сув ҳавзалари жойлашган ер участкаларида фермер хўжаликлари фаолиятини юритиш мақсадида қонун ва қонун ости ҳужжатларида кўрсатилган тартиб бўйича чекланган тарзда фойдаланиш учун ажратилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси муҳофаза зонасида ҳар икки томондан беш юз метр кенгликда уй ҳайвонларини боқиш ва фермер хўжаликларига ер ажратиш чекланади. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва ер участкасини беришда у жойларда доимий яшовчи фуқаролар устувор ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин.

Шаҳар, шаҳарча ва шаҳар типигаги посёлкалар қамровидаги ер фондига қонун ҳужжатлари асосида тасдиқланган шаҳарсозлик ва кадастр ҳужжатлари асосида чегаралари белгиланади. Уларни ҳудудига турар ва нотурар жой объектлари жойлашган, ҳамда, бошқа мақсадлар учун мўлжалланган маъмурий ҳудудий қамровидаги жами ер майдонлари киради.

Аҳоли пунктлари ер фонди чегараси шаҳар, шаҳарча, овул ва қишлоқ аҳоли яшаш ерлари, ташқи чегараси ҳисобланиб, улар шу ер майдонларини бошқа ер тоифа майдонларидан ажратиб туради. Аҳоли пунктлари чегараларини белгилаш шаҳарсозлик амалдаги ҳужжатлари асосида амалга ошириш назарда тутилади. Аҳоли пунктлари чегаралари амалдаги ердан фойдаланувчилар ер участкалари чегаралари бўйлаб белгиланади.

Аҳоли яшаш жойлари чегаралари қамровидаги ер майдонлар тасдиқланган режага мос ҳолда фойдаланишни ташкил қилувчи маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфида бўлади. Аҳоли яшаш жойлари ҳудудида ер тузиш ва бош режасини ишлаб чиқишда сув манбаларини муҳофаза қилиш, соҳил бўйи ҳамда сув объектлари муҳофаза зоналари чегараларини белгилаш табиий ресурслар, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан белгиланади.

Ер участкаларини, жумладан чизикли турдаги объектларни худудий чегара қамровидаги жойлаштириш назарда тутилади. Давлатимизда аграр соҳасидаги туб ислохотларни амалга ошириш шароити ерлари муҳофаза қилиш ва асраш масалаларига алоҳида урғу берилмоқда. Қонунга зид бўлган битимлар, ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, ерни ишдан чиқариш, ифлослантириш, ер чегара белгиларини йўқотиш ва шу каби қонун бузилишига оид ҳаракатлар содир этилганда, вақтинча фойдаланишдаги ерни қайтариш муддати бузилганда ёки уни яроқли ҳолатга қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганда, бегона ўтларга қарши чоралар қўлламаслик, тупроқ қатламини шамол, сув эрозияларидан сақлашга риоя этмаслик каби қонунбузарликлар масъулятсизликлар орқасидан содир бўлади.

Ердан фойдаланишга оид қонунбузарликларга ер участкаси чегара белгиси ёки марза белгиларини йўқ қилиш ҳам киради. Ҳуқуққа қарши ҳаракатлар берилган ер участкасидан мақсадли, самарали, оқилона фойдаланиш тадбирларини мураккаблаштиради, ердан фойдаланувчи субъектлар ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиш имкониятларини чеклашга олиб келади.

3.3. Туманда ер кадастри ахборот таъминоти ва ер балансини тузиш технологиясини такомиллаштириш

Дунё мамлакатларида ер кадастри ахборотларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалиётда тадбиқ қилишга оид кўплаб илмий-назарий, услубий татқиқотлар ўтказилганлиги тадқиқотлар давомида аниқланган. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам сўнги 5 йилда анъанавий ер кадастри ахборот тизимида рақамлаштириш услублари кенг жорий этиб келинмоқда. Шу билан бирга республиканинг туман (шаҳар)ларида кадастр агентлиги хизматлари фаолиятида ушбу жараён таркибига кирувчи замонавий ер кадастри ахборот тизимини ва ер балансини тузиш технологияларини такомиллаштириш эҳтиёжи сақланиб қолмоқда.

Натижада, маҳаллий ҳокимият ва жойлардаги кадастр хизматларини ер ресурсларини бошқариш, кадастр ишлари, ер тузиш ва ер мониторингини

юритиш соҳаларини ишончли ва шаффоф ер кадастри ахборотлари билан ўз вақтида таъминлашда узвий камчилик ва ноаниқликлар кузатилмоқда. Ер кадастри ахборотларини талаб даражасида шакллантирилмагани сабабли жойларда шакллантирилган ахборотларни ишлаб чиқишда қўлланаётган услубий ишларни етарли даражада илмий асосланмаганлиги оқибатида ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, айирбошлаш, белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик, аукционлар фаолиятини шаффоф ахборотлар билан таъминламаслик, ноқонуний ер олди-сотдисини мавжудлиги ва бошқа турдаги инсон манфаатлари тўқнашувлари жараёнида кузатилган.

Тадқиқотлар натижасида маъмурий-худудий бирликлар даражасида, бундан туман (шаҳар) ер баланси мустасно, ер фондини тақсимот ва қайта тақсимоти балансини тузиш ишлари соҳа амалиётида кузатилмагани аниқланган. Маъмурий-худудий бирликлар таркибига кирувчи муайян қишлоқ, овул, шаҳар, шаҳарчалар миқёсида уларга бириктирилган ер фонди балансини ишлаб чиқиш кадастр агентлиги ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан олиб борилаётган ер ресурсларини бошқариш ҳамда фойдаланишда ишончли тарздаги ер кадастри ахборотлари билан таъминланмаганлиги натижасида қишлоқ ноаниқлик ва белгиланган чоратадбирлардаги илмий асосланишлар кузатилади.

Тадқиқотлар натижасида малум бўлдики, ер ресурсларини самарали бошқаришдаги масалаларни ечишда янгича креатив услубий ёндошувларни ишлаб чиқилмаётгани ҳамда қайд этилган камчиликларни мавжудлиги ер кадастри ахборотлар сифати, ҳаққонийлиги ва истеъмолчиларга узатишдаги шаффофлик тамойили ижросининг талаб даражасида эмаслиги ётади. Ер кадастри ахборотларини замон талаб даражасида шакллантириш ва истеъмолчиларга узатиш услубларидаги ёндашувларни мукамал ишлаб чиқилмаганлиги қуйидаги масалаларни мукамал ечилмаганлигида деб ҳисоблаймиз:

ер кадастри ахборотлар таркибини муайян ер контури, ер участкаси, ердан фойдаланувчи субъект, маҳалла фуқаролар йиғини, туман, шаҳар миқёсида онлайн электрон тарзда шаклланмаганлиги;

туман(шаҳар) ер фонди тақсимоти ва қайта тақсимоти тўғрисидаги ер кадастри ахборотлар тизимининг шакллари, гуруҳлари, ҳамда фойдаланувчиларга узатишни муфассал тасдиқланган услубларининг мавжуд эмаслиги;

туман(шаҳар) худудидаги ердан фойдаланувчи субъектлар, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини даражасида ер балансини юритишни жорий этилмагани;

ер фондини ер тоифалари ва турлари кесимида шакллантирилган ер балансини тузиш технологияларини мукамал ишлаб чиқилмаганлиги;

ер участкалари ва маъмурий-худудий бирликлар кесимида белгиланган тартибдаги муқим чегара белгиларини мавжуд эмаслиги.

Ер кадастри ахборотларини тизимли равишда ишлаб чиқишга оид қайд этилган долзарб муаммолар ечимини таъминлаш мақсадида амалдаги услубиятни такомиллаштиришга зарурият мавжуд. Ҳозирги янги Ўзбекистонни ривожлантириш даврида ва иқтисодиётни тубдан модернизациялаш жараёнида ҳам ер кадастри ахборотларининг ўрни беқиёсдир. Чунки, сўнгги 3 йилда Республикамизда фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъектлар сони ҳар йили ўртача 100-120 мингтага ўсиб бормоқда.

Масалан, республикамизда кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлик субъектларини ер участкасига бўлган эҳтиёжи 40-50 мингтага, 2022-йилда қишлоқ хўжалиги ерларидан “Темир дафтар” рўйхатидаги 85 минг нафар фуқароларга 0.1дан 1.0 гектаргача майдонларда суғорма деҳқончилик фаолияти учун ер участкаларини ажратиш эвазига ташкил қилинган ердан фойдаланувчиларга тақсимлаб бериладиган ер кадастри ҳужжатларига оид ахборотларга бўлган эҳтиёжларни ортиб бориши соҳадаги вазифалар ечимида ҳам креатив услубий ёндашувларни талаб қилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида аниқланишича ўртача битта туман ҳудудида 30 мингта ердан фойдаланувчиларга бириктирилган 33 мингта ер участкалари мавжуд. Туман ҳудудида ўртача 50 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг ҳудудида 700та ердан фойдаланувчилар ва уларга бириктирилган 800 га яқин ер участкаларига мавжуд ер фонди тақсимлаб берилган ҳолда фойдаланиб келинмоқда. Албатта, бундай ҳолатларда муайян маҳалла фуқаролар йиғини ер фонди ҳудудида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчиларни шартли равишда маълум гуруҳларга ажратган ҳолда ер турлари, ер тоифалари, уларни идоравий мансублиги, ердан фойдаланиш даражаси каби атрибутив маълумотлар ва таҳлилий хулосалар ишлаб чиқарилишини ҳам тақазо қилади.

Ҳозирги даврда юқорида қайд этилган муаммолар ва вазифаларни ечишда соҳага оид махсус электрон дастурий таъминотини ишлаб чиқишни тақазо этмоқди. Ушбу жараёнларни амалга оширишда туман ер кадастри ахборот тизимини онлайн тарзда юритиладиган электрон хариталарсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Маълумки, туман ер фондидан фойдаланишни бошқариш жараёни ер кадастри ахборот тизиминини шакллантирувчи асосий манба ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида туман ер фонди ахборотларини тизимли равишда ишлаб чиқишни тақазо этади. Ер кадастрини юритишга оид ахборотларни тайёрлашда туман кадастр агентлиги хизмати бирламчи бўлин бўлиб, вилоят ва республика ер кадастри ахборот тизимини шакллантиришда асосий манба ҳисобланади.

Талаб ва вазифаларни маъмурий туманга тегишли ер фонди қамровидаги ЕКАТ муайян ер участкаси ҳудудида маълумотлар базасини йиғиш, сақлаш, қайта ишлашга оид ва уларни истеъмолчиларга рақамлашган услубда узатиш зарур бўлади. З.С.Абдуллаев эътироф этишича, “Ер ресурсларини кадастрли баҳолашни ишончли ва сифатли ахборот билан таъминламасдан туриб такомиллаштириб бўлмайди”. Аммо, бу таъриф ЕКАТни мазмун моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Фикримизча, туманда

юритиладиган ЕКАТни қуйидагича таърифлаш мумкин: рақамли ЕКАТ - унинг таркибига кирувчи маълумотларга ишлов бериш, сақлаш ва узатишни таъминлайдиган электрон дастурий воситалар ва тегишли атрибутив маълумотлар мажмуидир. Демак, рақамли ер кадастри ахборот тизими туман (шаҳар) миқёсида шакллантиришда маълумотларни умумлаштириш ва уйғунлаштириш мақсадидаги муҳим тадбирдир.

Ер кадастри ахборотларини тизимли тартибда йиғиш, янгилаш, янгилаб бориш, уларга ишлов бериш ва узатишни ягона услубият асосида яратиш бугунги куннинг зарурятига айланди. Ҳозирги даврда ЕКАТни рақамлаштириш, электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш кўламини ошириш тизимларини ривожлантириш имкониятларини кучайтириб, маълум шарт ҳамда чекловларни ҳам пайдо қилмоқда. Бозор муносабатлари ва иқтисодиёти шароитида ердан фойдаланишга оид ахборотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу жараёнда ер участкаси ва сервитут битимларини давлат рўйхатига олиш, ер ҳисоби ҳамда баҳолаш ишлари натижаларини рақамлаштиришни электрон дастурлаш тизимларида ишлов бериш технологияларини тадбиқ этиш ўткир заруратга айланмоқда.

Туманда ЕКАТ маъмурий - ҳудудий бирликлар , маҳалла фуқаролари йиғинлари, агрокластерлар, ер тоифалари, ер турлари даражасида шакллантириш зарурияти ҳам мавжуд. Унда ҳар бир ҳудудий-бирлик учун масъул бўлган ер кадастри мутахассиси ўзига бириктирилган ҳудуд ҳақидаги ахборотларни чуқур таҳлил қилиш асосида “Туман кадастр хизмати” бўлимига тақдим қилиши зарур бўлади. Бўлимда фаолият юритаётган мутахассислар маълумотларни электрон дастурга киритган ҳолда ахборотларни ишлаб чиқиш ишларини бажарилишини таъминлаши зарур.

Туман ер кадастри ахборот тизими глобал геоахборот тизими поғонаси ҳисобланиб, ерга бўлган ҳуқуқларга оид ахборотлар оқимини бошқариш, таҳлил қилиш, ва истеъмолчиларга узатиш мўлжалланган масъулиятларни тақдим қилишга хизмат қилади. Туманда ЕКАТни ишлаб чиқиш жараёнининг дастлабки босқичида ЕФСларга ер участкалари ва сервитутларга оид

битимларни рўйхатлаш ишларини бажариш зарур бўлади. Ушбу вазифаларни ишончли ва шаффоф тарзда ЕКАТда ақс эттириш асосида муайян ер участкасини манзили, чегараси, кадастр коди, мулк ҳуқуқи, ер ҳисоби ва баҳолаш натижалари, ердан фойдаланишдаги имтиёз ва чекловлар ҳамда сервитутларга оид битимлар тўғрисидаги ахборотларни камраб олади. Қайд этилган услуб ва талабларни амалиётда жорий этиш эвазига қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

ЕФСни мулкка бўлган ҳуқуқини кафолатлайди;

низоли ҳолатларни адолатли ҳал этади;


ер ва кўчмас мулкдан фойдаланиш учун белгиланадиган солиқларни илмий асослаш имконини беради;

туман ер фонди тўғрисидаги ахборотларни ягона тизимда ишлаб чиқишга хизмат қилади.

ЕКАТда ер тоифалари бўйича маълумот олиш ишларини соддалаштириш ва ихчамлаштириш эвазига фойдаланувчиларга тезкор, сифатли, график, ёзма, рақамли ва электрон ҳариталар кўринишида уларни узатиш учун рақамли тизимни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда фаолият юритаётган туман (шаҳар) Кадастр агентлиги хизматида мужассамланган ер кадастри ахборот тизими мавжуд эмас. Ушбу муаммони самарали ҳал этиш мақсадида туман (шаҳар)да ишдаб чиқиладиган рақамли ер кадастри ахборот тизимини умумий фаолият схемаси тавсия этилади.

Қуйидаги 12-расмда берилган ЕКАТнинг шакллантириш ва узатиш схемасини “Туман кадастр хизмати”да жорий қилиш соҳа мутахассисларини иш самарадорлиги ва сифатини салмоқли равишда оширишга хизмат қилади.



12-расм. Туман(шаҳар)да рақамлашган ер кадастр ахборот тизимининг фаолият схемаси²³

Ш.К.Рахмонов тадқиқотлари натижасида “Маъмурий туманда йил давомида амалга оширилаётган ер ажратиш ишларининг миқдори ва ер участкалари тўғрисида маълумотларни ягона тизимда яратиш... туман ҳокимияти захира ер фонди тўғрисида мукамал маълумотлар олиш,... ер ажратишга оид маълумотларнинг аниқлиги ва ҳаққонийлиги таъминланади... ер ажратишда ноқонуний хатти-ҳаракатлар бартараф этилади”.²⁴ Албатта, бундай ёндашув ер ажратиш жараёнида муҳим ўрин тутди ҳамда ер кадастри ахборотларини мажмуали тарзда шакллантиришда муҳим қадам ҳисобланади.

Аммо, ушбу жараёнда туман миқёсидаги ер участкалари тўғрисидаги мукамал ахборотларни йиғиш, тизимлаш, таҳлил қилиш ва истеъмолчиларга ҳаққоний ҳамда шаффоф маълумотларни тақдим этиш талаб қилинади. Шу сабабли тадқиқотлар давомида ер контурлари, чегара белгилари, майдонлар қайдномаси, ЕФС, маҳалла фуқаролар йиғини кесимида ахборотларни шакллантиришда ер участкаси даражасидаги кадастр ахборотларини ягона

²³ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

²⁴ Рахмонов Ш.К. “Ер ресурсларини тармоқлараро тақсимотида кишлоқ хўжалигини устуворлигини таъминлаш” иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: 2018., 17-бет

услугларда ишлаб чиқиш заруриятини ҳамда илмий - услубий асослаш эҳтиёжини мавжудлигини ҳам эътироф этамиз.

Демак, маъмурий туманда ер кадастрига оид маълумотларни йиғиш ва уларга ишлов беришда электрон воситалар ва дастурлардан фойдаланишни тақазо қилмоқда. Бунда, ЕАТни дастурий-техник таъминотини тизим босқичларига мос ҳолда шакллантиришни талаб этади. Дастурий-техник таъминот даражасидан келиб чиқиб, кадастр агентлиги хизмати ва ахборот истеъмолчилари томонидан компьютер хотирасида сақланишини таъминлаш керак бўлади.

Маъмурий туманда ЕКАТнинг электрон дастурий таъминоти унга оид ахборотларни ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш, сақланиш ва истеъмолчиларга етказиш жараёнларини рақамлаштиришни техник ва технологик жиҳатдан таъминоти ва бошқариш амалга оширишга хизмат қилади.

Маълумки, рақамли ер кадастри ахборот тизимларини талаб даражасида шакллантириш, назарий, методологик, технологик ишланмаларини бевосита жорий этишни амалга оширилишини талаб этмоқда. Чунки, глобал ахборотлар оқимида ер кадастри маълумотларини унинг таркибий қисмлари бўйича ҳозирги даврда умумлашган шаклда яратилмаган. Шундан келиб чиқиб, муаллиф иштирокида ишлаб чиқилган “Yeravtobank” электрон дастур бўйича туманда ер кадастри ахборотларини тизимли равишда ишлаб чиқишни амалга ошириш мақсадида яратилган.

Тавсия этилган дастурни туманда жорий қилиш, унинг ҳудудида фаолият юритаётган ЕФСларга зарур бўладиган ахборотлар жамланмаси ёрдамида маълумотлар базасини яратишга асос бўлади. Электрон дастур жадвал ва шакллардан иборат бўлади. Шакллантирилган маълумотлар архивлаштирилиб, электрон дастурдаги шакллар асосида уларни гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил қилиниб, узатиш имкониятини яратишга хизмат қилади.

Тавсия этилаётган ер кадастрига оид ахборотлар тизимини такомиллаштиришга мўлжалланган мазкур дастурнинг услубий-амалий

натижаларини муайян ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни олишда самарали усулларни яратишга имкон беради. Тадқиқот натижаларини туман ер кадастрлари амалиётига тадбиқ қилиш синов - тажрибалари туманларда юритилаётган ахборот тизимини янада такомиллаштиришда тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, туман ер фонди ердан ердан фойдаланувчи субъектлар бўйича тақсимланган ҳолда асосий ер ҳисоботи ҳар 5 йилда тузилиши қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.²⁵ Унда ер балансини тузишга оид ҳисоботда белгиланган ердан фойдаланишда рўй берган ўзгаришлар тўлиқ ҳисобга олиниши белгиланган. Ердан фойдаланувчи тасарруфидаги ер участкалари ўлчамлари, шунингдек, ер турлари таркибидаги ўзгаришлар тегишли кадастр ҳужжатларида ўз аксини топиши керак. Ер балансини тузишда аниқланган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ердан фойдаланувчи субъектлар раҳбарлари тақдим этган ҳисобот асосида шакллантириш зарур бўлади. Тартибга кўра, туман ер кадастри китоби маълумотлари асосида ҳар календар йил охирида тузиладиган ер балансидан, дала тадқиқот, тупроқ бонитировкаси, ерни норматив баҳолаш, жорий ер ҳисобидаги ўзгаришларни давлат ер назорати маълумотларидан ҳам кенг фойдаланиш керак бўлади.

Маълумки, ер балансини тузиш жараёнида ердан фойдаланувчи субъектларнинг ер участкалари тўғрисидаги маълумотларини камайтириб ёки орттирган ҳолда қайд этиш тақиқланади. Олиб борилган таҳлилий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, келтирилган ҳужжатлар қаторида тузилган ер балансига оид тушунтириш хатлари, туман ҳокими томонидан уни ер балансини тасдиқлаш бўйича кўрсатилган камчиликларни тузатишга оид таклифларни ишлаб чиқишни тақазо қилади. Шунингдек, туман ер фонди ҳолати, ундан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар, матн ва график ҳужжатлари ер кадастрини юритиш ахборотларига оид яратиш заруриятини белгилайди.

²⁵ “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонун, 1998 й.

Ер баланси хужжатлари республика бўйича ягона шаклга эгаллиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган расмий хужжат ҳисобланади. Хужжатда туман ҳокими ва туман “Кадастр агентлиги” хизмати бошлиғи томонидан имзоланиши белгиланган.

Ҳар бир ер тоифаси бўйича ердан фойдаланувчиларнинг алоҳида гуруҳ сифатида маълумотларини жамланган ҳолда гуруҳлар бўйича ердан фойдаланувчилар рўйхатга олингандан сўнг туман чегарасидан ташқарида фойдаланилаётган ер участкаларини ҳисобга олиб, жами ер майдони ҳисобланади. Ўзга туманлар ЕФСлари томонидан фойдаланилаётган ер майдонлари ҳам алоҳида қайд этилади. Туман чегарасидан ташқаридаги ер майдонларини айириш ва бошқа туманлар томонидан фойдаланилаётган мазкур тумандаги ерларни қўшиш асосида унинг умумий ер фонди майдонлари аниқланади.

Ер баланси таркибига деҳқон хўжаликлари ва суғориладиган томорқа ерлар, дала ҳовлилар, жамоа боғ ва токзорлар, ҳамда дарахтзор ерлар ҳам қўшилади. Суғориладиган ерлар таркибидаги канал, йўл, қурилиш майдонларни ҳам кўрсатиш зарур бўлади. Ер кадастрини юритиш амалиётида фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳудудидаги ер турларини бевосита ва билвосита фойдаланиши бўйича турларга бўлинган ҳолда ўрганиш ҳамда хужжатларда акс эттириб бориш мақсадга мувофиқ. Бунда майдонларнинг ер контурлари кесимидаги ҳисобини юритишда креатив услуб ва ечимларни ишлаб чиқиш зарур.

Шахсий фойдаланишдаги томорқа ерларини ҳисобга олмаган қишлоқ хўжалиги фаолиятини юритаётган бошқа ЕФСларда қишлоқ хўжалик ер турларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар ер балансини махсус иловаси ҳисобланади. Иловада саноат ва бошқа ноқишлоқ хўжалиги корхоналари фойдаланишидаги ҳайдалма ва бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзор, яйлов ва пичанзорлар таркибидаги ўзгаришлар алоҳида таҳлил қилиш тақазо этади.

Ер участкалари чегарасидаги хайдалма ва бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзор, пичанзор ва яйловларни ҳамда туман захира ерларини бошқа ноқишлоқ хўжалик соҳаларида фаолият юритадиган ердан фойдаланувчи субъектлар томонидан ўзбошимчалик билан қўшиб олинishi таъқиқланди. Шунингдек, бошқа ер турлари таркибини трансформациялаш тартибида ўзгартириш томорқа ер майдонлари камайтириш, мелиоратив ҳолати ёмон ерларни қўшиб олиш, шу жумладан, хариталарга тузатма киритиш бўйича маълумотларга аниқлик киритиш ёки маъмурий чегаралардаги ўзгаришлар ҳисобига умумий майдонларини кўпайиши ёки камайиши ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топиши зарур бўлади.

Ер участкасидан доимий ёки муддати фойдаланиш давлат, жамоат ва бошқа эҳтиёжлар учун бериш ер кадастри ҳужжатларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вилоят ва туман ҳокимиятлари қарорлар ва ерни жойда ажратилганлиги тўғрисидаги далолатнома асос бўлиб хизмат қилади. Юқорида қайд этилган ер кадастри ҳужжатларини расмийлаштириш ва ахборотларни шакллантириш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги Фармони ва Қарорида такомиллаштириш масалалари қайд этилган.²⁶ Ушбу фармон ва қарорда ер участкаларини танлаш ва ажратиш ҳамда ЕФСга бериш бўйича ҳисобот туман(шаҳар) “Кадастр агентлиги” хизматининг бошлиғи томонидан имзоланиши белгилаб қўйилган.

Республикада қишлоқ хўжалиги ерлари майдонини бошқа соҳалар ердан фойдаланувчи субъектларига ажратилиши эвазига йилдан йилга камайиб бориши профессор Б.Ф.Султонов таъкидлаганидек, “... аҳоли сони ўсиш суръатларининг суғориладиган ер майдонлари ўсиш суръатларидан юқори бўлиши натижасида республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ерлар улуши камайиш тенденциясига эга бўлмоқда”.²⁷ Ушбу

²⁶ Ер ҳисоби ва давлат кадастрлари тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида, ПФ-4749, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси таркибида Кадастр агентлиги хизматини ташкил этиш тўғрисидаги қарори, 07.09.2020 йилдаги ПК-4819-сон

²⁷ Б.Ф.Султонов “Қишлоқ хўжалигида мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” и.ф.д. (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: 2019., 33-бет

салбий жараён оқибатида республикамизда мавжуд бўлган 4.3 млн гектарга яқин суғориладиган ер майдонларида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъектлар тасарруфидаги ер участкаларига оид шаффоф ва ҳаққоний маълумотларга бўлган эҳтиёж мавжуд. Чунки, республикада суғориладиган ер майдонларини чекланганлиги асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айнан шу ерларда етиштирилишини ҳисобга олсак, ер кадастри ҳужжатлари сифатига бўлган талаб янада кучайиб боришини кузатиш мумкин.

Юқорида қайд этилган тартиб-қоидалар қаторида ер балансини таркибига ёрдамчи ҳужжат ва жадваллар ҳам киритилади. Бундай ҳужжатларга ер кадастри соҳасини, мутахассис ходимлари билан таъминлаш даражаси ҳолати ва бошқа ҳужжатлар киради. Туман ер баланси таркибида ер қонунчилигини бузилиш ҳолатлари, ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалашга оид давлат назоратини таъсирчан механизмларига йўналтирилган ҳуқуқий, техник, технологик, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқилиши юзасидан мутахассислар томонидан таклиф ва тавсиялар ҳам ўз аксини топиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Рақамли ер кадастри ҳужжатларини юритишни тақазо этаётган ҳозирги даврда туман (шаҳар)да юритиладиган ер кадастр китобини ҳам онлайн электрон шаклга ўтказиш зарурияти мавжуд.

Хулоса

1. Ҳозирги даврда ер кадастри илмий, методологик ва амалий жиҳатдан унинг таркибий қисмларига мос ҳолда 4 та йўналишда тадқиқ қилинади. Шу нуқтаи назардан мазкур бобда ер участкалари ва сервитут битимларини рўйхатлаш, ер ҳисоби ҳамда ер баҳолаш ишларига оид тадқиқотларда ер контури, ер участкаси ва унинг чегара белгилари ЕКАТни шакллантиришнинг таянч манбалари сифатида тавсифлашни тақазо этмоқда. Мазкур бобда туман ер балансини тузиш технологияларини илмий асосланган ҳолда такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари берилган. Мазкур

бобда қайд этилган ер кадастри атамаларига оид муаллиф таърифлари, атамаларни хусусиятлари ва ер кадастри ахборот тизимини яратиш қонуниятлари очиб берилган.

2. Олиб борилган тадқиқот натижалари давлат ер бошқарув тизими ва назоратини 3 та вертикал поғонага ажратилган ҳолда ташкил қилиш тавсия этилади. Муайян ер участкаси таркибидаги бевосита ва билвосита фойдаланилаётган ер турлари ва ўзга ердан фойдаланувчилар ер майдонларини ер кадастри ҳужжатларида акс эттириш тартиблари муаллиф томонидан илмий-услубий асосланган.

3. Ер кадастри ахборотларини туман миқёсида тизимлаш ва ер балансини тузиш технологияларини ишлаб чиқиш тартибига ҳам креатив услуб ва ечимлар берилган. Жумладан, ер участкаси майдонини ҳисоблаш ишларини қайдномада акс эттиришда креатив услуб тавсия этилган. Ер кадастри ахборотларини шакллантиришда ер участкасига чегара белгиларини ўрнатиш асосида шаффоф ва ҳаққоний кўрсаткичларга эришиш услуби тавсия этилган.

4. Маъмурий туман ҳудудида ер кадастри ахборотлар тизимини ҳамда ахборот таъминотини ва ер баланси технологияларини такомиллаштиришга оид креатив услубий ечимлар тавсия этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. // Т.: Адолат, 1992 й. 152 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. 1998 йил 30 апрель. 74 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига шарҳлар – Т.: ТДЮИ, 2007.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил 28 август. // Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Т.: Адолат, 448 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонуни. // Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 1999 й. 448 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. // Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Т.: Адолат, 1999 й. 448 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрларини юритишни тартибга солиш чора- тадбирлари тўғрисида” ги ПФ – 5065-сонли фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора- тадбирлари тўғрисида” ги ПФ – 5742 сонли фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида»ги 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. №12.
10. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. Т.: «Ўзбекистон» 48 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Т.: “Ўзбекистон” 2017.488 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2017 йил 13 декабрь куни ер ресурслари, геодезия ва кадастр соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш материаллари.// Халқ сўзи, 2017 йил 14 декабрь.
13. Ўзбекистон Республикаси “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги қонуни. 2003 “Ахборотлаштириш тўғрисида”. 560-II-сон
14. Мирзиёев Ш.М. 2020 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси Халқ сўзи 196 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2020 ПФ-5953 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида, ПФ-5953
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2013 «Миллий географик ахборот тизимини яратиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-2045-сон
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2020 Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-4699
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6061 сонли
19. Фармони Ў Р П 2021 Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6243 сонли
20. Чертовицкий А.С., Свайнов А.А. 2016 Ер ахборот тизими, Тошкент: ТИМИ. 151 б.
21. Бабажанов А.Р., Қ.Рахмонов Қ., Гофуров А. Ер кадастри.Дарслик.

Т:ТИМИ, 208 б.

22. Ғуломов С., Р.Алимов Р., Лутфуллаев Х., Шермухамедов А., Назарова Г., Қ.Алимов, Б.Ходиев, Б.Бегалов, Ш.Хошимходжаев, А.Кўчаров and Д.Расулов 2000 Ахборот тизимлари ва технологиялари .Дарслик.Т. “Шарқ” 592 б.

2.Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

23. Abbas I I, Ben-yayork D and Muhammad R 2014 Land Information System (LIS) as an Effective and Efficient Residential Layout Management Strategy Glob. J. HUMAN-SOCIAL Sci. В Geogr. Geo-Sciences, Environ. Disaster Manag. Vol. 14

24. Алтиев А.С., Тошқулов А.Х. Ер солиғи: назария ва услубиёт// Монография. - Т.: «IQTISOD-MOLIYA». - 2007. - Б. 108.

25. Алтиев А.С.Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари//Монография. Т.: “Фан”-2018, 274 б.

26. Abdurakhimova M., Babajanov A., Khalilova B., Makhsudov M Liberalization of land use system in the conditions of market relations. // ECONSPEAK: A Journal Of Advances In management, IT & Social sciences. 2019 y. January. Vol-9/Issue-1/

27. Abdurakhimova M. Importance of the effective use of the land in a market economy// Агропроцессинг. 2019 й. Doi Journal 10.26739/2181-9904. 13-17 б.

28. Abdurakhimova M., K. Rakhmonov, S. Abdukodirova Geoinformation Innovations in Land Administration: background and recommendations focusing on Uzbekistan//Austria.Poster/GI_Forum 2020.

29. Abdurakhimova M., Zokhid Mamatkulov, S.Abdukodirova Application of GIS and Remote Sensing in Crop Monitoring and Yield Forecasting in case of Low-Yielded Farmlands// Austria. Poster/ GI_Forum 2020.

30. Абдурахимова М. Ер ресурсларини хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий-ташкилий масалалари//“ХАЛҚАРО ЕР КУНИ” муносабати билан “Ер ресурсларини бошқариш ва муҳофаза қилишда инновацион ёндошувлар: муаммо ва креатив ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. 2019 й. 547-549 б.

31. Абдурахимова М. Ер ахборот тизимини ривожлантиришда ривожланган давлатлар тажрибаси//“Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги анънавий XIX – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани. 2020 й. 339-343 б.
32. Абдурахимова М. Ер ахборот тизимини ҳуқуқий-меъёрий таъминоти//“Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги анънавий XX – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани. 2021 й. 132-139 б.
33. Абдурахимова М. Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда ер ахборот базасини ривожлантириш хусусиятлари//“Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги анънавий XX – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани. 2021 й. 198-201 б.
34. Аvezбаев С, Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди. //Янги аср авлоди. – 2002 й.
35. Anon 1995 The Surveying Handbook
36. Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) дисс. автореферати // - Т.: 2018. - Б.85.
37. Абдурахимова М., Кубаев Ж. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсири.// Агроиқтисодиёт. 2019 й. Махсус сон. 165-167 б. (08.00.00 №25).
38. Бабажанов А.Р., Рўзибоев С.Б., Абдурахимова М.О. Республика ер майдонларидан бошқариш тизимини такомиллаштириш. // AGRO ILM 2-сон. 2019 й. 79-80 б. (05.00.00 №3)
39. Берлянт А., Кошкарев А. 1999 Толковый словарь основных терминов. Геоинформатика Кошкарев А. (Москва: ГИС-Ассоциация) 204 с.
40. Бобожонов. А.Р., Норбоев. Ш.К Рахмонов К Ер участкаларини руйхатлаш буйича маълумотлар банкни яратишнинг илмий-услубий асослари Монография. – Чулпон, 2006. 107 б.
41. Бобожонов. А.Р Гофуров. А. Ж доц. Рахмонов К Ер кадастри Дарслик. –

ТИМИ, 2008.

42. Болтаев Т., Рахмонов Қ., Акбаров М. Геоахборот тизимининг илмий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Иқтисод-Молия, 2016, 284 б.

43. Demir O, Uzun B and Çete M 2008 Turkish cadastral system *Surv. Rev.* 40/ 307 pp.

44. Фишер С, Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с англ. М: «Дело ЛТД», 1993. Б. 864.

45. Elia E A, Zevenbergen J A, Lemmen C H J and van Oosterom P J M 2013 The land administration domain model (LADM) as the reference model for the Cyprus land information system (CLIS) *Surv. Rev.* 45

46. Enemark S, Williamson I and Wallace J 2005 Building modern land administration systems in developed economies *J. Spat. Sci.* 50 51–68 pp.

47. Tjia D E 2014 Towards a Land Administration Domain Model (LADM) profile for South Africa/ 136 p.

48. Enemark S 2004 Building Land Information Policies in El Salvador UN, FIG, PC IDEA Inter-regional Spec. Forum Build. L. Inf. Policies Am. 20p.

49. GIS Dictionary – Geospatial Definition Glossary 2021

50. Heo J 2004 Development and Implementation of Temporal Land Information System *J. Surv. Eng.* 130/ 19 p.

51. Harcourt P, Chiemelu N E and Onwumere V O 2013 Land Information System for Efficient Lands Administration and Revenue Generation: A Case Study of Trans-Amadi Industrial Vol.3.No12.2013 13–24 p.

52. Haque A and Karim R 2015 An overview of the environmental land information system (ELIS) *Int. J. Res*

53. Imamnazarova A N 2020 Aspects Of Legal Regulation Of Electronic Document And Electronic Document Circulation In Business *Am. J. Polit. Sci. Law Criminol.* 02 8–14

54. Lisec A and Navratil G 2014 The Austrian land cadastre: from the earliest beginnings to the modern land information system *Geod. Vestn.* 58

55. Nahrin K and Rahman M S-U 1970 Land Information System (LIS) for Land Administration and Management in Bangladesh J. Bangladesh Inst. Planners/ 12 p.
56. Mondal S, Chakravarty D, Bandyopadhyay J and Maiti K K 2016 GIS based Land Information System using Cadastral model: A case study of Tirat and Chalbalpur rural region of Raniganj in Barddhaman district Model. Earth Syst. Environ. 2
57. MACE G M and LANDE R 1991 Land use statistics and indicators Global, regional and country trends Land use statistics and indicators Global, regional and country trends 1990-2019 FAOSTAT Analytical Brief 28 LAND USE AND LAND USE INDICATORS BACKGROUND Conserv. Biol. 5 148–57
58. Варламов А., Гальченко С. 2005 Географические и земельные информационные системы (Москва: КолосС) 400 с.
59. Гуломов С., Р.Алимов, Х.Лутфуллаев, А.Шермухамедов, Г.Назарова, Қ.Алимов, Б.Ходиев, Б.Бегалов, Ш.Хошимходжаев, А.Кўчаров and Д.Расулов 2000 Ахборот тизимлари ва технологиялари “Ахборот тизимлари ва технологиялари”.Дарслик.Т. “Шарқ” 592б.
60. Rakhmonov K and Abdurakhimova M 2021 Improvement of cadastral information provisioning system in an administrative region E3S Web of Conferences vol 227. 2021. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202122705002>
61. Comparetti A and Raimondi S 2019 CADASTRAL MODELS IN EU MEMBER STATES Environ. Qual. 2019, 33, 55–78
62. Statutory Instruments 2003 No. 1417 Land Registration, England and Wales. The Land Registration Rules 2003.152 p.
63. Rakhmonov K and Abdurakhimova M 2021 Improvement of cadastral information provisioning system in an administrative region E3S Web of Conferences vol 227 (2021. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202122705002>
64. Rakhmonov Kosim and Abdurakhimova Mokhigul 2020 The need to create a land cadastre information system for agricultural entities Irrig. Melior. 77–
65. Рахмонов Қ. Хорижий мамлакатларда ер кадастри ахборотларини яратиш тажрибаси.//ТИҚХММИ. “Ирригация ва мелиорация” журнали. Махсус

сон,Т., 2018 й. 121 – 127 б.

66. Рахмонов Қ. Ер кадастри ахборотини ишлаб чиқишнинг методологик асослари.//ТИҚХММИ. “Ирригация ва мелиорация” журнали. Махсус сон,Т., 2018 й. 127 – 132 б.

67. Рахмонов Қ. Ер кадастри ахборот таъминоти (назария, услубият, амалиёт). Монография.-Т., 2017 й. 144 б.

68. Рахмонов Қ., Абдурахимова М. Ер кадастри ахбороти соҳасидаги қонун ҳужжатлар базасини такомиллаштириш. //Агроиқтисодиёт. 2019 й. Махсус сон.

69. Рахмонов Қ., Жақсыбаев Р.Н. Ер участкаларини шакллантириш муаммолари.//“Ер, сув ва табиий ресурсларини геофазовий бошқариш муаммолари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари Т.2016. 127.б

70. Рахмонов Қ. Ойматов Р. Табиий ресурслар кадастри. Ўқув қўлланма. ТИҚХММИ. Тошкент. 2019 й. – 164-б.

71. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 1990–2019 йиллардаги якуний ҳисоботлари бўйича материаллар.

72. Sánchez I.O., Francisco Cebrián F.A., Juan A.G. The cadastre as a source for the analysis of urbanization dynamics. Applications in urban areas of medium-sized inland spanish cities. 2021. 24 p.

73. Варламов А.А., Гальченко С.А. Земельный кадастр. Т.6. Географические и земельные информационные системы. Учебник, – М.: Колос, 2005. – 400с.

74. Волков С.Н., Варламов А.А. Землеустроительная наука и образование России в начале третьего тысячелетия: Сборник научных статей, посвященных 225-летию Государственного университета по землеустройству. //М.: ГУЗ. - 2004. – Б. 489.

75. Winfried Hawerk 1996 Grundbuch and cadastral systems in Germany, Austria and Switzerland

76. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2010 – 2019 йиллар бўйича ҳисобот материаллари.

77. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 – 2021 йиллардаги айрим ҳисобот материаллари.
78. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2010–2019 йиллардаги миллий ер ҳисоботлари.
79. Ўзбекистон Республикаси: энциклопедия/ Бош таҳрир хайъати: А.Азизхўджаев ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2020. – 712 б.
80. <http://www.iiasa.ac.at> – Modeling Land-Use and Land-Cover Changes.
- 81.Рахмонов К., Абдурахимова М. Тупроқ бонитет баллари ўртача қийматини аниқлашда креатив ёндашувлар. Ўзбекистон Республикаси Адлия азорлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси № 004730, 29.04.2022.
- 82.Рахмонов К., Абдурахимова М. Ер кадастри ахбороти соҳасидаги қонун ҳужжатлар базасини такомиллаштириш.// Агроиқтисодиёт. 2019 й. Махсус сон. 125-128 б. (08.00.00 №25).
- 83.Рахмонов К., Абдурахимова М. Қишлоқ хўжалиги субъектлари учун ер кадастри маълумотлар тизимини яратиш зарурияти.// “Ирригация ва мелиорация”, №1(19) 2020 й. 77-80 б. (05.00.00 №22).
- 84.Рахмонов К., Абдурахимова М. Тошкент вилоятида ер ахборот тизимини шакллантириш ҳолати ва такомиллаштириш услублари// “Ўзбекистон замини” илмий журнали 2021 й. №3 58-63 б. (06.00.00).
- 85.Rakhmonov K., M. Abdurakhimova Improvement of cadastral information provisioning system in an administrative region. Annual International Scientific Conference on Geoinformatics-GI_2021.
- 86.Rakhmonov K, M. Abdurakhimova, B. Usbankulov, Z. Tojiev Experience and analysis of formation of land information system. Journal of Transportation Research Procedia. Volume 63, 2022, Pages 203-213.
- 87.Rakhmonov K., M. Abdurakhimova Land Cadastre is a source of formation of land information system. Tematics journal of Geography. SSN – 2277-2995 Vol-5-Issue-1 2022.17-31 pages. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6426927>

3. Веб сайтлар

88. <https://www.copernicus.eu/en/about-copernicus>
89. <http://map.geoportal.uz/>
90. <https://stat.uz/uz/> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги
91. <https://kadastr.uz/uz> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги
92. <https://e-auksion.uz/home>
93. <http://www.iiasa.ac.at> – Modeling Land-Use and Land-Cover Changes
94. <http://www.c-x.com> – Land and Real Estate Appraising.
95. www.tikhvin.org.
96. <https://lex.uz/>

МУНДАРИЖА

Кириш

I ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ БОБ. НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

§ 1.1 Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда ер ахборот тизимини ривожлантириш хусусиятлари

§ 1.2 Ер ахборот тизимини ҳуқуқий-меъёрий таъминоти

§ 1.3 Ер ахборот тизимини шакллантиришда хорижий тажрибалар ва услублар

II ИННОВАЦИОН ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ БОБ. ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

§ 2.1 Ер ахборот тизимини шакллантириш жараёнидаги услубларни такомиллаштириш

§ 2.2 Ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги йўналишлари

III ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ АХБОРОТЛАР ТИЗИМИНИНГ БОБ. ҲОЛАТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

§ 3.1 Ер кадастрини бирламчи ахборотлар манбаи ва объекти сифатидаги ер участкасининг хусусиятлари

§ 3.2 Ер кадастри ахборотларини яратишнинг илмий асослари ва такомиллашган услублари

§ 3.3 Туманда ер кадастри ахборот таъминоти ва ер балансини тузиш технологиясини такомиллаштириш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

“ТИҚХММИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қосимджон Рахмонов
Моҳигул Абдурахимова Ойбек қизи

ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Монография
Тошкент – 2024

Мухаррир:
Техник мухаррир:

Босишга рухсат этилди __.__.2024 й. Қоғоз 60 x 84, 1/16,
ҳажми 6 б.т. 10 нусха. Буюртма №__
“ТИҚХММИ” МТУ босмахонаси